

В.А. РАФИҚОВ

Конструктив география

546.5
P-24

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
SEISMOLOGIYA INSTITUTI

В.А.РАФИКОВ

КОНСТРУКТИВ ГЕОГРАФИЯ

— 3906 —

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV TALIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент 2016

УДК 576.5+552.508.43 (576.2)

Рафиков В.А. Конструктив география. Тошкент, 2016

Конструктив география – табиат билан жамият ўртасидати муносабатлари кейинги вақтларда жиқийлашётганлиги туфайли қоз бераётган номутаносибликларни илмий асосда ечимининг географик аспектларини ўрганиш, биلىш ва ҳал қилиш масалаларига бағишланган. Инсон билан табиат ўртасидати ўзаро таъсирининг муаммолари, табиат комплекслари, уларни ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти, табиий географик жараён ва ҳодисалар, хўжалик фаолиятининг таъсирида геотизимларнинг ўзгариши, ресурсларни баҳолаш, географик прогностлаштириш ва прогност, табиат муҳофазасининг мажмуади мониторинги, табиат ва ишлаб чиқариш комплекслари ҳамда ижтимоий ҳаётни хариталаштириш, экологик-географик муаммолар ва улар ечимининг конструктив-географик асосларига аҳамият берилган.

Монография географ, эколог, биолог, тупроқшунос ва кишлоқ хўжалиги мутахассислари учун мўлжалланган.

Мавсуд муҳаррир – география фанлари доктори, профессор Э.Ю.Сафаров

Таъриғчилар: география фанлари доктори, профессор А.Абдулқосимов
география фанлари доктори, профессор Н.И.Сабитова

ЎЗР ФА Сейсмология институты Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган.



© ЎЗР ФА Сейсмология институты

Кىرىش

Табиат бир бутун яхлит геотизимдан иборат бўлганлиги туфайли ундан фойдаланишда тизимли ёндашув таъбиқ қилинишни тақозо этади. Бинобарин, бу жараёнда табиат ва унинг ресурсларидан мажмуади равишда омилкорлик билан фойдаланиш зарурлиги экологик ва иқтисодий жиҳатдан аввалдан асосланган. Лекин ушбу фойдаланиш жараёни негизда географик қонуний ва қонуниятлар мавжудки, биз аксарият уларга етарли эътибор бермаيمиз, натижада катта миқёсда зарарли оқибатлар риножланишига асос яратамиз. Дарвоқе, табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асослари мавжуд экан уларни билишимиз айти муҳтоо.

Инсоннинг хўжалиқ фаолияти табиатда солир бўлар экан у табиатта табиат қонунийларини ҳисобга олиши, қонуниятларга риоя қилиш лозим, акс ҳолда унинг ишлаб чиқариш фаолиятида иқтисодий самарадорлик, иш унуми, барқарор тараққиёт, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа соҳаларда жиддий ютуқларга эришишда олдинга силжиш юз бермайдми, шунингдек экологик ва иқтисодий-ижтимоий оқибатлар кўлами ортий боради.

Табиатнинг туо қонунийларидан бири мавжуд моддий тизим ва уни ўрай турган атроф муҳитнинг бир бутунлиги ҳисобланади. Бу қонини жамиятта нисбатан кўлланилса, у ҳолда унинг географик муҳит билан бир бутунлик қонуни деб қараш мумкин. Табиатда олдинда бир ҳодисани ўзгариши кўшни геотизимдаги худди шундай қонинини ўзгаришига таъсир этади, бунда улар орасидаги боғлиқлик қанчалик яқин бўлса, ўзаро таъсир ҳам шунчалик қучли бўлиши кузатилади. Шунинг учун табиатдан фойдаланишда бу қонунга риоя қилиш нақадар муҳим, аиникса геопара, паразитетик тизимларда (Оролбўйи ва Орол денгизи, Балхашбўйи ва Балхаш кўли) бу табиий ҳодиса жиддий кузатилади. Орол сатҳининг тез суриятларда тушиб кетиши туфайли Оролбўйида солир бўлаётган интронотен чулланиш ҳодисаси Амударё ва Сирдарё дельталарида табиий муҳитнинг тиклаб бўлмайдиган даражада ўзгаришига олио келимоқда.

Табиий муҳитнинг тезкорлик билан тараққий қилишида ланишарфларнинг (геотизим) ҳилма-хиллиги қонуни таъсири устуворлик қилади. Аниқланишича, худудда табиий муҳит ва ресурсларнинг ҳилма-хиллиги қанчалик кўп бўлса, жамиятнинг

ривожланиши учун ҳам қулай шароит вужудга келади. Аксинча, табиий шароит бир хил бўлиб, бойликлар ҳам камбағал бўлса, ишлаб чиқариш қушларининг ривожланиши учун имкониятлар кам бўлади. Табиий муҳит хилма-хил бўлган ҳудудларда инсоннинг ҳужалик фаолияти ҳам фаолроқ ёки қучли содир бўлишини туфайли геотизимларнинг ўзгариши ҳам тезлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда моддий тизим ва атроф муҳит бирлиги қонуни ва ландшафтлар хилма-хиллиги қонуни бир-бирини тўлдирлади ҳамда уларнинг бир вақтдаги ҳаракати юз бериши мумкин. Бу ҳодиса ландшафтларнинг структуралли динамика ҳолати мурраккаб бўлган ҳудудларда табиий муҳитнинг тезкорлик билан ўзгариши натижасида ривожланади. У ҳудудда табиий-географик шароитнинг хилма-хиллиги ва шу муносабат билан табиий комплексларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши билан боғлиқ. Ушбу қонуनларнинг таъсири натижасида катта ҳудудларда табиий (экологик) шароитларнинг ўзгариши кузатилади.

Мазкур рисола табиий шароит ва табиий бойликлардан илмий асосда фойдаланиш, номуқо бўл ҳодиса ва жараёнларнинг тарқиб топиш ва ривожланишини бошқаришнинг чора-тадбирлари, усуллари билан таништиришни кўзда тутди. Бунда маҳаллий ва регионал жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали табиатнинг нақадар мурраккаблиги ва унга меъёрдан ортиқ таъсир этиш турли салбий оқибатларга олиб келиши мукаррафлигига қаноат ҳосил этилади. Шу билан бирга номатлуб ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш усуллари билан таништиришдан иборат.

1. ТАБИИЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСЛАРИНИ ҲАМДА ИҚТИМОЙ ҲАЁТНИ ХАРИТАЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ

Хариталар халқ ҳужалигида ва илмий тадқиқотларда, харбий ишларда ҳамда муҳандислик қурилишларида, ўқитиш ва тарғибот ишларида кенг қўлланилади. Харитасиз география ва геология фанларини ўрганиб бўлмайди. Танқили географ Н.Н. Баранский «География – харита билан бошланиб, харита билан тамом бўлади» дейди.

Харитани тузиш ва фойдаланиш ҳозирги жамиятнинг иқтисодий, иқтимоий ва сиёсий ҳаётини кўп жабахаларида фойдаланилади. Харита, географик атлас ва глобус қартишқуносликнинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади, уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти қуйида асосланган.

1.1. Хариташунослик ва унинг вазифалари

Хариташунослик – фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг соҳаси бўлиб, хариташунослик асарларини яратиш, ўрганиш, фойдаланишнинг ўз ичига олади. Харита Ер қурагининг маълум қисмининг ёки бутун сайёрамизни ўзида мўҳасамалаштирган шакли (модели)дир. Харита табиат ва жамиятнинг у ёки бу ҳудудларини тасвирлаш ва тадқиқот қилиш, уларнинг жойлашиши, муносибларини, ўзаро алоқалари ва ўзгаришларини вақт мобайлида қонуний тўлиқ кўрсата олади. Хариташунослик табиий ва иқтимоий-иқтисодий географиянинг ўртасида мавжуд бўлган мураккаб фан бўлиб, у ушбу фанларнинг табиат ва жамиятни ўрганишда асосий хизмат қилади, улар картографик усуллардан кенг фойдаланилади. Хариталар ақс этираётган мазмунига кўра умумгеографик ва маъзули тўрғуларга бўлинади. Умумгеографик хариталар жойнинг асосий элементларини бир бутун ҳолда тасвирлайди. Харитада ҳудуднинг гидрографияси, рельефи, аҳоли пунктлари, автомобил ва темир йўллар, ёлғиз оёқ йўллар ва боғиқлар кўрсатилади. Хаританинг кўрсатадиган элементларининг қураётгани унинг масштабига боғлиқ. Улар орасида топографик хариталар ҳудуд тўғрисида атрофлича маълумот беради.

Хариталар дала шароитида ўрганилаётган ҳудудга боғлиб муваққислиқлар тўрғу (топографик) тегишли топширик бўйича

жойини съёмка қилишлари натижасида мўлжалланган харита тайёрланади. Жуда йирик хариталар (1:2000-1:5000) асосан ҳўжалик тайбирлари (гидроузел, сув омборининг тўғони, ГЭС, дарёда қурилаган кўприк ва бошқалар) йирик масштабли хариталар (1:5000-1:10000) сановат корхоналарининг айрим цехлари (металл қуловчи, пўлат қуловчи йирик станлар ва бошқалар), ГРЭС, ўйим-чўқур рельеф шароитида темир ва автомобиль йўллари, газ қувурлари ва бошқаларни лойиҳалашда фойдаланилади; 1:10000-1:25000 масштабли хариталар сановат корхоналари (фўқаро уйлари, бағалда қаватли бинолар, текисликдаги темир ва автомобиль йўллари ва бошқалар)ни қуришда ишлатилади; масштаб 1:25000-1:50000 ва 1:100000 хариталар талқикот ишлари ва бошқа амалий тайбирларни лойиҳалашда фойдаланилади ва ҳоказо.

Албатта, юкорида кўрсатиб ўтилган турли масштаблардаги хариталар жойларда топографлар томонидан ҳудудларни харитага туширишлари натижасида тайёрланади. Турли масштабларда (энг йирикдан то 1:100000 масштабгача) давлат буюртмаси билан тайёрланади ва тегишли миклорда нашр этилади, мажкур хариталарни топографик хариталар деб аталади. Топографик хариталар ўзаро қабул қилинган шартли белгилар асосида тайёрланади. Хаританинг масштаби ўзгарган сари шартли белгиларнинг мазмۇни мураккаблашиб боради.

Табиатни ёки ижтимоий ишлаб чиқаришни хариталаштиришда мавжуд ҳудудни тўлиғи билан ҳодиса ва жараёнларни бутун ҳолда тасвирлашни ёки табиий муҳитнинг айрим ҳодисаларини (ёки иқтисодий географиянинг бирор соҳасини) харақтерлаши мумкин. Бинобарин, хариталаштириш мажмуали ва соҳали бўлиши мумкин. Мажмуали (мазмۇни бўйича мажмуали) хариталарга, ландшафт, рекреация хариталарини киритиш мумкин. Чўнки мажкур хариталар ТК (табиат комплекслари)нинг барча компонентлари ва геосистемаларни ҳамда бошқа махсус элементларни тасвирлайди. Демак, битта харитада кўплаб ахборотлар мавжуд, мажкур харита мажмуалини билан фарқланади.

Мавжудли хариталар табиий шароит ва ресурсларнинг бирор турини акс эттиради. Масалан, иқлим, тулпроқ, транспорт, аҳоли пунктлари, тарихий воқеалар ва бошқалар. Улар табиий ҳодисалар ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар хариталарига бўлинади. Ўз навбатида ҳар бир гуруҳдаги хариталар яна бир неча гуруҳдаги

хариталарга бўлиниб кетади. Чўнончи, иқлимий хариталар гуруҳи ўртача ётти миклори, ҳавонинг ўртача ҳарорати, иқлимий минтикалар ва бошқаларга бўлинади.

Мавжудли хариталар ҳам қайд қилинаётган мавзунинг микёсига кўраб умумий ва соҳали бўлиши мумкин. Умумий мавжудли харита кенгрок мавзуга, соҳали харита эса унинг бирор жабаҳасини тасвирлаши мумкин. Масалан, умумиқтисодий харита аслида мавзунин хариталар гуруҳига кириши билан, бошқа томондан шу гуруҳдаги хариталарга нисбатан умумий мавзуга эга. Сановат харитаси эса унга нисбатан соҳали харита ҳисобланади.

Географик хариталар максалдига кўра илмий маълумотномади, ўқув, денгиз навигацияси, аэронавигация, юлестриш, лойиҳа, ташвиқот, сайёҳлик ва бошқа турларга бўлинади. Илмий маълумотномади хариталар махсус мутахассислар учун зарур бўлади, уларда мавзунинг мазмۇнинга кўра ахборот ситими ниҳоятда кўп. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси (масштаби 1:1000000), Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофаза қилиш харитаси (масштаби 1:1000000), экологик вазият ва бошқа соҳалар бўйича янги даражада ахборот бера олади. Ўқув хариталари аввало ўрта мактаблар ҳамда олий ўқув юртлари учун алоҳида ҳолда нашр этилади, уларнинг мазмۇни бир-биридан етарли даражада фарқ қилиди. Ўзбекистон Республикасининг табиий географик харитаси (масштаби 1:1500000) ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун аввало босилиб чиққан. Сайёҳлар харитаси бирор ҳудуд (масалан, Тошкент вилояти, Пеком тоғ тизими ва бошқалар)га бағишланади, кўпроқ ўрта масштабда чоп этилади, унда сайёҳлар учун зарурий бўлган барча картографик ахборотлар ва маълумотлар мавжуд бўлади.

Географик атлас — маълум бир дастур асосида бажарилган хариталар тўпламининг тизимли йиғиндисиди, у бир булуи картографик асардан иборат. Атласда хариталар мавзудар бўйича бир-бири билан бослиқ, бир-бирларини тўлдирлади. Атласда шартли белгилар ва ранглар мўқобил тарзда тузилган бўлади. Уларда легендаларни тушуниш учун қўшимча тарзда матн, маълумотномади материаллар, графикалар, расмлар, жадваллар берилди.

Атласлар етлавлан ҳудуди бўйича Ер қурасини (Маълумотномади географик атлас, 1986 йил), материк ёки

Ўсимлик тури, энг кўп тарқалган ўсимликлар номлари бирма-бир ёзилди, сўнггида ўсимлик гуруҳи аниқланади, уларнинг умумий ҳолати (вегетация шароитлари канавтланарли ёки қурин арафасида, ёки умуман қурган, уларни бошқа ўсимлик гуруҳи эгаллаб бормоқда ва бошқалар). Жойнинг хўжаликда фойдаланиши (ийлов, сугориладиган ер, далаи ва бошқалар) кўрсатилади.

Майдонги талкикот эса йирик масштабли ишларда қўлланилади. Бу усулда йўналишлар бўйича уюштирилган таванч нўжастардаги ишлар бироз зичроқ ҳолда амалга оширилади. Бориш мўмкин бўлган жойларга йўналишли талкикот вақтида барча хўдудлар тўла ўрганилади.

Табуни зоографик асабагиларни ҳариталаштириш. Табуни

Дала боёқичида харитага хуудулла жойлаштан барча жараёнилар масштабта мос холда туширилади. Ўйрик жараёнилар масштабта мос келганда нисбатини тўғри олган холда харитага туширилади. Табиин жараёниларни, аларда шу хуудулни ландашфт харитаси бор бўлиг унга, бўлмаган тақдирда геоморфологик харитага, у харитага бўлмаганда топографик харитага туширилади.

той кулаши, сиргалион, ўйирлиши ва бошқалар атарда 1:250000 масштабдаги харита асосида туширилмоқчи бўлса, у ҳолда 1 смга 1 метрнинг жарёнларининг бўйи ва эни ҳамда чуқурлигининг тартибига олган тарзда туширилади. Агарда масштабга тўғри келмасин, харитага, чунончи сурилма рельеф, ёки жар эрозияси билан бўлган рельеф, деган ибора билан харита лгендасида қаратилган ўлида эса маълум шартли белги билан кўрсатилади (2-таблица).

Ренефр быһыыча лан/шафтт' гурухтар

алшовида текисликлар (11), 7-кўпн террассалар ва уларга мос келувчи конус ёйилмалари текисликлари (12), ландшафтлари.


Ландшафт турлари:

1-башада тоғларнинг сув айиртчи ва ёйбатларнинг юкори кичимлари кор ва музликлар дашт ва ўтлок дашт макмуалари билан ўзаро алмашиб келади, 2-башада тоғ ёйбатларининг юкори кичимлари тошлок тупроқларда дашт ва ўтлок дашт тарқалган, 3-башада тоғларнинг ёйбатларининг кўпн кичимларида житаранг тупроқларда турли ўтли бошокли ўсимликлар ва арчазорлар тарқалган, 4-ўртача баландликдаги кучли парчаланган тоғ ёйбатларининг житаранг ва чимли кўпннр тупроқларда арчазорлар мавжуд, 5-ўртача баландликдаги тоғ ёйбатларидаги житаранг тупроқларда бошокли – турли ўтли даштлар ва башада бўйли ўтлар ва сийрак арчазорлар билан алмашиб келади, 6-кирил-тепалли адирандаги типик бўз тупроқларда ранг-кўнгирибаш бир йиллик шўрлар билан ўзаро алмашиб келади, 7-паст тоғлардаги типик бўз тупроқларда шўра-кўнгирибашли шувоклар билан алмашиб келади, 8-паст тоғлардаги бўз тупроқларда шувоклар билан турухлари билан бирга учрайди, 9-паст тоғлардаги тўқ бўз тупроқларда кўнгирибаш турухлари бўтали бодомзорлар иштирокида мавжуд, 10-тоғ олдн текисликларидаги бўз тупроқларда ранг-кўнгирибаш бир йиллик шўра ва янтоқ билан бирга учрайди, 11-дештали текисликлар кўпрок сўториланган ўтлок тупроқлар билан банд, 12-дарёларнинг кўпн террассалари ва уларга мос келувчи сой ёйилмалари сўториланган ўтлок тупроқлар билан банд.

1-расм. Сурхондарё вилоятининг ландшафт харитаси.

Дала шаронтида энг кўп тарқалган жараёнларни махсус дафтарга ёйилганда худди ландшафт харитаси каби хар бир таванч нуқтасининг тартиб рақами, ёйилш вақти, унинг манзилгоҳи, албатта тўлиқ ёйилади. Кейин, айтиллик сурлималн рельеф ёйилган бўлса, унинг параметрлари, яъни бўйи, энн, чуқурлиги, сурлиманинг ривожланиш босқичи (тараккият босқичида, дерадация ва бошқалар) кўрсатилади. Унинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари, жинсларнинг геологик тузиллиш, жойнинг геоморфологик хусусияти (рельеф тури ва шакли) дафтарга тўлиқ ёйиб олинади. Базли сурлималарнинг расми, кўндаланг кесмаси дафтарга туширилади, ёки фотосурати олинади. Харитага белгиланган худуддаги барча табийй жараёнлар туширилгандан сўнг, ўша жойда яна бир марта бажарилган иш кўздан кечирилади, дафтар тартибга келтирилади.

Камерал шаронтида харита охирига етказилади, шартли белгилар, легенда тузилади, баъзан тушунтириш хати ёйилиши мумкин. Харита бошка каттага малакали мутахассис томонидан белгиланган бўёклар ва шартли белгилар билан кўчирилади. Хаританинг остиги рамкасидан пастда унинг муаллифлари ёйилади, баъзилардан ташкилот номи кўрсатилади.




1-сурхоннинг юзлама ювиллиши, 2-тупроқнинг юзлама ва чуқурлама ювиллиши, 3-ўсимда давом этаётган жар эрозияси, 4-сурлимга солир бўлаётган ёйилтириш, 5-сурлимга юз бериши мумкин бўлган ёйбатлар, 6-сурлимнинг етук ёйокзорли ёйбатлар, 7-террасаланган ёш ниҳолли ёйилтириш.

2-расм. Ўнском дарёси водийси ёйбатларида табийй жараёнларнинг ривожланиши (аэросурат асосида тайёрланган).

1.3. Коннотда олинган суратлар асосида геозеологик хариталар тузиш (аэроконнотли мониторинг)

1-географик хариталарнинг энг осон ва самарали ҳамда арзон келган коннотли олинган суратлар асосида тайёрланишидир. Коннотли олинган суратлар бир вақт мобайнида жуда катта худуд

учун айни бир шартдаги ахборот йиғилади. Бу ҳол у асосида тайёрланган хаританинг бир хил маълум вақтдан сўнг харита тузиши ишларини яна қайтариб, унда икки маълум вақт мобайнидаги табиғатда бўлган ўзгаришларни аниқлаш имкони вужудга келади. Бу ҳол бир неча марта қайтарилиши мумкин, демак олинган ахборотлар тизими турли муаммоларни ҳал қилишда кенг фойдаланилади. АҚШ да учирилган "Ландсат" Ер йўлдоши бир йил ичида маълум ҳудуд устидан 20 марта суратга олиб ўтади. Олинган кадр суратлар 185x185 км катталидаги ҳудудни ўз ичига олади.



1-эрозияли тектоник ўртача бадаллиқдаги тоғ тили рельеф, 2-эрозияли тектоник-аккумулятив тили ўртача бадаллиқдаги тоғ рельефи, 3-эрозияли аккумулятив тили паст тоғли рельеф, 4-эрозияли аккумулятив тоғ олд тили рельеф, 5-тоғ олд проловия ва проловия-дегловия муваққат ва конус ёйилмаларининг текислик тили, 6-аллювиал тили тепали ва тўққинсимон текисликлар (юқори террасалар), 7-аллювиал тили текисликлар (қуйи террасалар).

3-расм. Синтезланган коинот сурати асосида дешифровка йўли билан тайёрланган геоморфологик харита (Зарафшон дарёси vodiyesi мисолида).

Коинотда олинган суратларнинг масштаби ҳамма жойда ҳам бир хил бўлмайди, чунки коинотда уяётган аппаратнинг ичидаги фотоаппаратнинг оптик ўқи факат сурат олинаётган марказга тик, яъни 90° бурчак остида тушганда ўша жойда суратнинг масштаби бир масштабда тушади, ундан ўзгаришлар сари ҳудуднинг суратга тушгани ўзгариб боради, яъни чўзилиб тушади. Демак коинотда олинган суратларни фойдаланишга топиришдан олдин уларни маълум бир масштабга келтириш лозим бўлади. Бир хил масштабга келтирилган коинот суратларини бирор ҳудуд бўйича йиғиб йиғитириш фотоплан, бир хил масштабга келтирилмаган суратларни йиғиб бир-бирига ёпиштирилганда фотосхема вужудга келади. Фотопланни бирор ҳудуд ёки давлат чегараси асосида йиғитириб ва бирорта картографик проекцияга келтирилса, фотопарта косм бўлади.

Бирор суратлар махсус вариантларда ёки синтезлаштирилган коинот фойдаланиши мумкин, ўсимлик – кизил рангда, сув қўқ, ўт ёшил копаланган ҳудудлар кулранг, хаворангда берилади. Бу вариантлар табиий ресурсларни ўрганиш учун анча қулай, шифрланган катта. Коинотда олинган суратларни олдий қўз ва махсус асбоблар ёрдамида ўқиш жараёнини ва бунинг натижасида шифрларни ўқишда улардаги тасвирларнинг катта-кичиклиги, шифр, ранги, структураси, контрастлиги аҳамият бериш зарур.

Коинотда олинган суратлар географик хариталар тузиш учун яқин ҳам асосланади. Бирор ҳудуднинг ландшафт, геоморфологик, геология ва бошқа турдаги ўрта масштабдаги хариталарни тайёрлашда улардан кенг фойдаланиш тез мудатда ва энг янги технологиялар асосида амалга оширилади (3-расм).

Ландшафт харитасини тузишда, айтилик унинг масштаби 1:100,000 бўлса, ҳудуд шундай миқёсдаги коинотда олинган сурат, яъни фотосуратини олиб, унинг асосий структурали қисмларга топография ва геоморфологик хариталар асосида бўлиб чиқилади. Геоморфологик харита асосий рельеф турлари ва шакллари асосида асосида берилди, фотокорта асосий чегараларни ниҳоятда яқин тузиришга имкон беради. Чунончи, Тошкент воҳасининг ландшафт харитаси шу масштабда тайёрланиши лозим бўлса,

фотокартадан Чирчик ва Охангарон дарёларининг барча террасаларининг контурларини аниқлаш (баъзи жойларда геоморфологик харита асосида) мумкин. Фотокарта ҳар бир контурда қандай маданий ўсимликлар тарқалганлиги тўғрисида ахборот бера олади. Террасаларнинг жойлашиши (I-IV) га қарай, туپроқнинг турларини аниқ ажратиш имкони бор, энг юқори (III-IV) террасалар типик бўз, куйи (I-II) террасалар эса аллювий ўтлоқ, баъзи жойларда ботқоқ туپроқлар мавжудлиги ажралиб туради. Ўзлаштирилмаган кўриқ ерлар (шунингдек, партов ерлар чеваралари)нинг контурларини аниқ ажратиш унчалик қийинчилик туғдирмайди (4-расм).

Түпроксар түрлери ва кичик түрлери (подтип):

16

Кониотда олинган суратлар геоэкологик хариталарнинг бир неча турларини яратишга имкон беради. Суратлар ер, хаво, сув, климат ва бошқа компонентлардаги ўзгаришларни тўлиги билан ўқиди аёс эттириши, бу борада энг тез ахборотли (экспресс) хариталарни тузишга ёрдам беради. Масалан, сугориладиган ерларда эрозия турлари (юзак, ариқчали, жар), тўпрокда туз тузиллиши ва унинг шакллари (сидирасига, дот холда, арал тузиллишида, шўрхок), шамолнинг харакати (тўпрок юзасининг ёлдам-чуқуралиши, кум боесиши) ва бошқалар фотокартада жуда равшан кўриниб туриши, уларнинг хариталарини тайёрлашга асос бўлади. Тез мулдагларда тузилган геоэкологик хариталар рахбар шахсонларга ва лойиҳа тузувчи ташкилотлар учун зарурдир. Айтади аниқ тузилган ана шу мазмундаги хариталар билан кониотресда, маълум вақт мобайнида канчалик ўзгаришлар содир бўлишини тўғрисида маълумотларга эга бўлинади. Бундай ахборотли хариталарни далага чиқмасдан тайёрлалиши кониотда олинган суратларнинг нақадар самарадорли эканлигига аниқ ишонч беради қилинади.

1.4. Нилгаб чикариш комплєксларини харитадаштириш:

Масносиёт тармоклари ўз-ўзидан, тасодикий ҳудудий тармоқлардан, балки маълум шарт-шаронتلар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ёки ҳудудий ташкил этилади. Ишлаб чиқариш комплекслари, яъни мажмуалари ҳам айнан шу каби тартибларни ҳисобга олишни тақозо этади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизимининг ривожланиши билан боғлиқ бўлишига оғиб беришда муҳимдир. Аммо ушбу қонуниятни ҳисобга олганда ҳудуднинг ўзидан анниклаш бироз мушкул. Шу боис ҳам тартиблар асосида ўрганиб борилади.

Миллур тонфа хариталарда ишлаб чиқариш комплексларининг
ишлаш этан корхоналар, саноат марказлари, туғунлари маълум

[illegible]

транспорт, ишчи кучи каби катор омиллар ҳусусида аниқ фикр юритишга имконият юзата келади.

Бу эса ушбу комплекслар муаммо ҳамда имкониятларини олиндан аниқлашда муҳим тавнч бўлиб хизмат қилади. Бунн бнч аҳоли ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлашда кўриб чиқишимиз мумкин.

Хариталар ёрдамида аввало биз аҳолининг ҳудуд бўйлаб жойлашишини аниқ кўра биламиз. Унинг энчилигини, яъни қайси ҳудудда кўпроқ, қайси ҳудудда сийрақроқ аҳоли истикомат қилишини аниқлаш орқали ҳудудларнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси маълум бўлади ва мавжуд меҳнат ресурсларини иқтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилади.

Сўнги пайтларда аҳолишунослик максалдарда тузилувчи хариталар мазмунан бойиб, турли тонфадаги иқтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиб бормокда. Улар ёрдамида аҳолининг табиий ва меҳаник кўпайиши, умумий сонн ва уларнинг тарқибн, меҳнат ресурслари, ҳўжалик тармоқлари бўйича уларнинг тақсмоти ҳақидаги маълумотлар билан бир каторда аҳоли ўртасидати турли хил даражалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бундай маълумотлар аксарият ҳолларда хариталарга кўшимча равишда берилувчи картограма, диаграммн ва баъзан матнлар (изоҳлар) билан бериледи.

Демак, хариталар ҳақиқатан ҳам воқеликнинг кўзгуси бўлиб улар илмий, амалий ва бошқарув максалдарда кенг фойдаланилади.

1.5. Географик атлас ва хариталар нқтисолнёт ҳўжаллиги хизматида

Географик хариталарнинг амалда қўлланиш доираси жууда ҳам кенг: сув ости кемаси, ҳаво лайнери, ҳатто коинотдан Ёрта тушаётган космик кема ҳам маълум масштабдаги хариталар асосида ҳаракат қилади, улар аввал ўзларининг касрда турганликларини жууда ҳам аниқ белгиллагандан сўнг қайси жойга қайси вақтда етиб боришларини ва қайси йўналиш билан ҳаракат қилишларини харита орқали белгилайдилар ва беҳато етиб келадилар. Бу борада хаританинг амалий аҳамияти ниҳоятда улкан.

Хаританинг илмий-тадқиқот ишларидаги аҳамияти ҳам беғниҳа катта, баъзан одам бормайдиган жойларнинг табиий

шароитлари харита орқали тезда ва ниҳоятда аниқ аниқланади, зарурни маълумотлар фойдаланиш учун олинади. Бошқача айтганда, харита ҳудди кўзгудек восита бўлиб хизмат қилади. Хаританинг имкониятлари катта, фақат ундан тўғри фойдалана билани керак.

Умумгеографик хариталар билан бирта амалий максалда йўналтирилган хариталар амалиётда муҳим аҳамиятта эга. Амалий юртишунослик ҳўжаллиқса, турмушта ва умуман ишлаб чиқаришга вақт туради. Табиий шароит ва ресурсларнинг маълум қисмини акс эттирган ёки сановат ишлаб чиқаришининг жойлашувини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган харита турли муаммоли масалаларни ечимида ёрдамчи. Бу борада амалий хариталарни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: констатацион, баҳоли, башоратли ва конструктив.

Констатацион хариталар мазмунининг бойлиги, берилган афдороти маълумотларнинг маълум максалда йўналтирилганлиги билан ажратиб туради. Бу туркумдан хариталарга агроиклимий, ирригацион табиий турлари (табиий – ишлаб чиқариш) харитаси, муаммогеоик харита ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур хариталардан амалда фойдаланиш учун жууда ҳам кўп зарур афдоротлар мавжуд. Чўнончи, агроиклимий харитада 1:10⁶ дан юқори бўлган ҳаво ҳароратининг вегетация давридаги шитиланси берилди, улар кишлоқ ҳўжалик экинлари навларининг турли жойларда ўстиришга имкон беради, длати деҳқончилик афдоротини аниқлашга хизмат қилади ва бошқалар.

Баҳоловчи амалий хариталар ТКларни таснифлаш ва баҳолаш кен уларнинг африм компонентларини инсон фаолиятининг аниқ юзаси бўйича баҳолашга бағишланади. Рельеф шароитларини юзоридаги деҳқончилик максалдарда баҳолаш, сўтуриладиган ирригацион меиоратив ҳолатини деҳқончилик учун баҳолаш, ТКларини кишлоқ ҳўжалик нуктаи назардан баҳолаш ва бошқа хариталарни аниқли кириб кўрсатиш мумкин. Баҳоловчи амалий хариталар муҳимлисли хариташунослиқнинг энг асосий юзоридаги бирлир, чўнки мазкур харитада зарурий афдоротларни ўзида мужассамлаштиради, улар шу соҳадаги ишлаб шитишда кен фойдаланилади.

Баҳоловчи амалий хариталар истикболда ТКларини йўналтирилган дариқ берувчи, уларнинг маълум вақтдан сўнг шитиш турли тадрикни ҳолатини ўзгартиришини ҳарактерлаш

билан вужда келиши мумкин бўлган турли номатлуб ходисаларни олдини олишга тайёрларлик кўришни оғохлантириб туради, бу йўналишда хозиргача кенг камровли, яъни йirik худудларни эгаллаган хариталар кўп тузилмаган, факат нисбатан кичикрок худудларнинг ТКларини келажакда ўзариш хариталари кўпрок ишлаб чикилган.

Конструктив амалий хариталар асосан баҳоловчи ва башорат хариталари асосида тузилади, ушбу турдаги хариталар табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллариин тавсифлаш билан бирга турли номатлуб ходисаларни олдини олишни жойларда аниқ кўрсатиб беради. Ушбу хариталарининг мазмунини етарли даражада бой ва мураккаб хусусиятларга эга бўлиши тавсияларининг хараكتери, кўп босқичли бўлиши ва нихоят геосистемаларининг мураккаблик даражасига боғлиқ.

Географик атласларининг мазмунини бир-бирларига яқин бўлган хариталарининг бир нечасини маълум мавзуда тизимли равишда кўрсатиб беришдан иборат. Атласлар бир вақтнинг ўзида икки муҳим вазифани бажаради: амалий максалдарда фойдаланиш учун қулай бўлган тўлланган ахборот ва маълумотларни сақлаш ҳамда маълум маълумотларни ўрганиш билан дунё тўғрисида янги билимларни излаш, янгиликларни топиш, қонуниятларни асослашда восита вазифасини бажаради. Зеро, атласларининг ахамияти нихоятда катта бўлишини хўжалик, фан ва қунадалик турмушда кенг фойдаланишини тақозо қилади.

Эндликда дунёдаги барча океанлар, материклар ва йirik давлатлар тўғрисида йirik катта хажмли атласлар босилиб чиққан (масалан: Дунёнинг табиий – географик атласи, 1964; Антарктида атласи, Австралия атласи, 1966 йил ва бошқалар). Ўзбекистон Республикасининг икки томлик географик атласи (1982 ва 1985 ҳамда 2013 йилларда чоп этилган) – ўзбек халқининг фан ва маданиятини миллий қутуғдир. Унинг илмий ва амалий ахамияти тўғрисида кўп ўзиш мумкин. Бу борада республикада яна бошқа мавзулардаги географик атласларни бунёд қилиш бўйича изланишлар олиб боришмоқда. Атласларининг ихчам ва кичик хажмда бўлишликларига қарамасдан табиат ва жамият ишлаб чиқариш бўйича катта хажмдаги билимлар, ахборотлар, маълумотларни жамғарган ҳолда бўлиши унинг турли максалдарда фойдаланишининг самарадорлигини оширади. Талқикотчи у ёки бу мавзудаги атлас орқали ўзининг қизиқтирган масала бўйича

тегини жавобини бир зумда олади. Баччи маълумотларни унда берилган материалларни таҳлил қилиш йўли билан ҳам олиш мумкин.

Ўзбекистоннинг мактаб-ўлкашунослик атласи (1980 йил), Тошкентнинг географик атласи (1983 йил) икки максалда мувофиқлаб босилган. Биринчи атлас мактаблар ва ўлкашунослик ишлари билан шуғулланувчилар учун, иккинчиси эса Тошкент шаҳрининг табиий географик шароити, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шаҳар атрофининг табиат, ресурслари, кишлоқ хўжалиги ва соғомоти, шаҳар маданияти тўғрисида батафсил маълумотлар тўпламидан иборат. Уларнинг ахамияти бениҳоя катта.

II. УМУМЭКОЛОГИК ХАРИТАЛАШТИРИШ

Табиат билан жамият ўртасида муносабатларининг тобора озуқалашувиининг хулук оқибатлари инсонни табиатдан фойдаланишининг оптималлаштириш борасидаги илмий тадқиқотларини янада кенг микёсда ва теран даражада амалга оширишни талаб қилади. Талқикотнинг аспектларидан бири экологик хариталаштириш бўлиб, унинг бош вазифаси табиат билан жамият муносабатларини аниқ худудий тавсифлаш ҳамда уларини янгилашнинг илмий ҳамда амалий асосларини мавзули ва региондаги картографик усулларда баён этишдир. Бу борада умумэкологик хариталаштириш салмоқли улушга эга, шунингдек у ёқанда турдаги экологик хариталаштириш учун асос вазифасини ўқатади.

Бу борада умумэкологик хариталаштиришнинг назарий ҳамда амалий масалалари, умумэкологик хариталаштиришнинг усуллари тўғрисидаги тадқиқотларининг натижалари баён этилган.

2.1. УМУМЭКОЛОГИК ХАРИТАЛАРНИ ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Умумэкологик хариталар худуддаги табиат билан жамият муносабатларини умумий, яъни интеграл тарзда тавсифлашга қаратилган бўлади. Шу жихатдан бундай хариталар худуднинг табиат муҳитининг экологик вазияти бўйича тўлиқ ахборотга эга бўлиб, табиий муҳит ҳолати ва муҳофазасининг барча жаҳдаларини янги тарзда тўлиқ умумий тарзда тасвирлай олади. Бу хусусият

умумэкологик хариталаштиришда энг муҳим ва энг зарурий ҳислати бўлиб, уларнинг мазмунини баҳолашда айнан шу аспектда алоҳида урғу берилadi.

Умумэкологик хариталаштиришнинг назарий асослари картография фанининг умумий назарий масалаларига, кўп йиллик тажрибага, етук мутахассисларнинг [5] илмий фикр ва фикрларига таянади. Географик конун ва конунийлар, табиатдан фойдаланиш, экология ва геоэкологиянинг конунийлари ва конунийлар, меъёрий хужжатлар, тартибларга тўлиқ амал қилган ҳолда улардан амалда хариталаштиришда фойдаланиш назарий негизни ташкил этади.

География, экология, картография фанларининг илмий тадқиқотларини тамойиллари (ёндашув) умумэкологик хариталаштиришни амалга оширишда асос вазифасини ўтайди. Тизимли ёндашувни картографияда қўллаш айни бир вақтда катта ютуқ, чунки картографиянинг тадқиқот объектини тизим сифатида қаралиши, ушбу ёндашув турини тўғридан тўғри амалда фойдаланилаётганидан хабар беради [12]. Ландшафт тамойили экологик хариталаштиришда энг асосий ёндашув. Ландшафт табиий чегараланган, ҳудудий жиҳатдан генетик яхлит, табиий компонентларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, бир хил даражада барқарорлиги, экологик вазиятнинг бир тоифага мансублиги, ресурсларнинг ҳилма-ҳиллиги билан ажралиб туради. Бинобарин, экологик хариталаштиришда ландшафт асосий географик (геоэкологик) бирлик бўла олади. Барча турдаги экологик хариталаштиришда ландшафт контурлари бирламчи картографик асосни бажаради. Тайёрланаётган хариталарнинг масштабларига қараб, ландшафтнинг морфологик қисмлари (йirik ва жуда йirik масштабли экологик хариталар), ландшафт (ўрта масштабли), ландшафт турмухи, кичик род, род (майда масштабли хариталар) асос бўлади. Ландшафт контурлари барча табиий чегараларни ўтказиш учун бош вазифани бажаради.

Экологик тамойил хариталаштиришда муҳим ўрин тутадиган, чунки тирик ва нотирик табиатнинг ўзаро динамика муносабатлари, инсон омилларининг бу жараёнга ижобий ва салбий таъсирлари, экологик мувозанат ва вазиятнинг ўзгаришлари ҳудудда барқарор ёки нобарқарор ўзгаришчан ҳолатни тарқиб топиши ва ривожланишини белгилайди. Бу вазият характери экологик тамойилга қанчалик тўғри амал қилинишига боғлиқ.

Экологик хариталаштиришда ландшафтлар ҳилма ҳиллиги, мавзудлик, экологик тозаллик, ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик мувозанат, меъёрига яраша фойдаланиш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш каби илмий тамойилларга асосланиш амалдаги мунофиқ. Булардан фойдаланиш тузилаётган хаританинг илмий мазмунини, масштаби, қимларга мўлжалланаётганлиги, қандай илмий омилнинг долзарб вазифани ечимига қаратилганлиги, мавзуд умумий ва махсус картографик ахборот ҳажмига боғлиқ.

Илмий тамойил нима учун экологик хариталаштиришда қўлланилади? Бу аввало, умумэкологик хаританинг номи, мақсади ва мақсадлигига боғлиқ. Тадқиқот учун битта илмий тамойил етарли бўлиши мумкин, бари ҳолларда 2 ёки 3 та тамойилдан фойдаланишга тўғри келади. Бу вазият илмнинг мақсади ва қариланиш мураккаблик даражасига боғлиқ. Асосий мақсаддан ташқари иккинчи ва учинчи даражали мақсад ечимига қаратилган ишлар (турли табиий ҳолдас, жараёнлар, экологик вазият, муҳитаносиблик, ифлосланиш даражаси, чиқиндиларни таърифлашнинг бўйича кесма харитада кўрсатиш, руҳсат этилган ашёлар РЭМ бўйича моддаларни картодиаларамма ёки ифториммаларда ифодаш ва бошқ.) бўлган тақдирда уларни ишқорни қўй бўлиши мумкин. Дарвоқе, мураккаб синтезлашган экологик хариталарда қўлланиладиган илмий тамойиллар миксори ёқ бўлиши мумкин. Бу ҳудуд ландшафтнинг структуралли-динамик қилишга ҳам боғлиқ. Мураккаб структуратурага эга бўлган ҳудуд ва унинг қўйилган мақсади вазифаси илмнинг мазмунинга мунофиқ турли мос тамойилларни қўлланилишини талаб қилади.

Ландшафт ёки бошқа табиий географик бирликларни асос сифатида фойдаланилиши шу ҳудудлар тўғрисида маълум маълумотлар олиш учун ҳам зарур. Масалан, Қизилқум, Устюрт лантлар бўйича ландшафт тамойили асос сифатида қабул қилинганда, катта ҳудудлар маълум мавзудли экологик хариталарда ёқ бўлиши ёки инебатан кам нағружга эга бўлиши мумкин. Қарилган ландшафт тамойили қўлланилган бўлса, ҳудудли маълум контурларга бўлиниши туфайли ўқувчиға улар тўғрисида етарли маълумот берили. Бошқа жиҳатдан тадқиқ қилинган мавзуд илмий асосий ахборот бирламчи картографик негизда мавзуд илмий тақли қилинган мавзудни тезроқ тушуниб етишга ёрлашади. Ландшафт контурлари асосида турли экологик қилиш ва жараёнлари ўрганилиши, уларни тасвирлалиши,

баҳолаганиши, чора-тадбирлар мажмуасини худудий инфодаланиши ва бошқаларни ўрганилишида катта амалий аҳамиятта эга бўлади.

Ландшафт ва унинг морфологик структураси худуднинг ўзлаштирилганлик даражаси, инсоннинг ҳўжалик фазолияти таъсирида муҳитнинг ўзгарганлик тоифаси, худуднинг текислик, тоғолди ёки тоғлик табиий шароитга эга эканлигини аниқ инфодалайди. Ўқувчига худуд тўғрисида геологик структура, тоғ жинслари таркиби, рельеф хусусияти, грунт суви сатҳи, туپроқ типи ва ўсимлик ассоциациялари ёки формациялари тўғрисида қисқа, лекин аниқ ахборот беради. Бўнинг илмий ва амалий аҳамияти мазкур ҳарита учун жуда зарур. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу маълумотлар таҳлил қилинаётган умумэкологик ҳодисалар билан бирликтида ягона картографик мазмунини ташкил этади.

Умумэкологик хариталаштиришнинг амалий масалалари усул ва услуб билан боғлиқ. Географик ҳарита тузишнинг бир неча усуллари яратилган, лекин уларнинг кўплари амалий жиҳатдан хозирги талабга жавоб бермайдди. Экологик картографиянинг методологияси бой, унда табиий, экологик, табиат муҳофазаси, геологик худудий ҳамда мавзудий хариталар ва атласлар тузиш бўйича Россия Федерацияси (К.А.Салищев, И.П.Заруцкая, Л.Ф.Диварева, В.И.Кравцова, Е.А.Востокова ва б.) ва Украина Республикаси (А.П.Золовский, Е.Е.Маркова ва бошқ.) қисман Ўзбекистон Республикасида (Т.М.Мирзалиев, А.А.Рафиков, Ж.Қорабоев, Э.Ю.Сафаров ва бошқ.) катта тажриба тўплаган.

Эндликда коннотдан олинган суратлар асосида у ёки бу масштабда умумэкологик хариталар тузишмоқда. Бу усул ҳаққонийлиги, ахборотларнинг бойлиги ҳамда энг янгилиги билан ажралиб туради.

Ўтган асрнинг 80-90-йиллардан бошлаб ГАТ (ГИС) - географик ахборот тизими таркиб топади ва шакллана бошлади. Хозирги тушунча бўйича ГАТ - бу автоматлашган тизим бўлиб, бунда бир бутун худудий асосда, географик объекتلарнинг турлича ахборотлари бирлаштирилади, қайта ишланади ва хариталарда тасвирланади. Бу жараён компьютерда бирор худуд бўйича экологик ахборотларни маълум мантикий тартиб бўйича, маълум вақт давомида йиғилиши, қайта ишланиши ва ҳарита (шар) сифатида тасвирланишидан иборат. Қорақалпоғистон давлат университетиининг доценти П.Реймов раҳбарлигида «Орол денгизи

ни (Оролбўйи: экология, иктисодиёт ва табиат муҳофазаси)» мавзуси бўйича ГАТ тайёрланди (2002 й). ГАТ - хозирда ривожланаётган ва илмий-ёшлар кенг миқёсда тараққий қиладиган автоматлашган (компьютерлашган) мураккаб технологик картографик жараён.

Ландшафтни индикация тадқиқот усули дала шароитида компонентларнинг инсон кўзига кўринмайдиган хусусият ва белгиларини мазкур худуддаги улар билан боғлиқ бошқа табиий объектларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш йўли билан аниқлаш ҳамда коннот суратларини индикация усулини қўллаш билан тўғри ўқиб маъносиди қўлланлилади. Ландшафтни индикация усулини қўллаш билан шугулланадиган мутахассис неҳоятда кенг қамровли, яъни табиий фанлар бўйича уларнинг энг нозик элементларини яхши билиши лозим. Ҳўл шароитида ўсадиган ўт, яшил бутта, бутта ва дарахтли ўсимликлар қандай экологик вазиятда вазиятда қилиниши билган ҳолда мазкур табиий комплекс тўғрисида илмий ҳулоса чиқаради. Ёки мавжуд туپроқ қопламини индикация йўли билан ўрганиш натижасида ўша табиий комплекс қандай қўшимча маълумот олади ва бошқалар. Бинобарин, барча табиий компонентларни ва антропоген таъсирида бўлган худудларни индикатор усулини қўллаш билан ўрганиш натижасида худуд тўғрисида тулук мажмуудий маълумот йиғилади. Бу дала ишлари қозонган жондўй қамайтиради. Олинган ахборотлар умумэкологик карталарнинг айрм (нисбатан мураккаб комплекслар - масалан, ёшил денгизининг қўриган қисмини) районларининг ландшафт белгилари, турлари ва хусусиятларини аниқлашда қўл келади.

Таъкикот усуллари бениҳоя бисёр, гап улардан самарали инфодаланишида қолган. Лекин ҳар бир умумэкологик ҳарита маълум табиий объектларнинг усулларини қўллашни тақозо этади. Бир ҳолдан бу масала қўлланилаётган тадқиқ тамойил (лар) ита билан у маълум гуруҳдаги бир-бири билан боғлиқ иш усулларини инфодаланиши талаб қилади. Чўнончи, «Табиатни муҳофази асосида қўриқларнинг тузишда аввало икки гуруҳдаги жараёнларга асосан ёрдам берилган»:

1. Табиатни ҳозирги ҳолатини картографик таҳлил асосида қўриқлаш.

2. Табиатни натижалар асосида уларга мос келадиган чора-тадбирлар комплексини картографик жиҳатдан ишлаб чиқиш.

Қаратилган барча мантикий бир-бирита боғлиқ картографик жараёнлар ушбу икки асосий гуруҳ неҳизиди содир бўлади.

Қўлланилган иш усуларини турли мезонлар асосини турухлаштириш мумкин:

- қўйилган мақсадга қараб: баҳоловчи, аналитик, районлаштириш, прогностлаштириш;
- маълумотларни қайта ишлаш: математик-статистик, бадансини;
- маълумотлар олиш учун: геофизик, геохимий, аэрокосмик, индикцион, ландшафтли, геоморфологик, литологик, гидрогеологик, морфометрик, гидрометеорологик, тупроқ, геоботаник, интернет;
- махус ахборотлар олиш учун: статистик, фондин;
- дала шароитида ва мониторинг станцияларида йиғилган маълумотларни ишлаш ва улардан фойдаланиш: компьютер техникаси, лаборатория ва бошқалар.

Кўрсатиб ўтилган иш усулларида фойдаланиш натижасини хаританинг илмий (картографик) мазмуни яратилади.

Картографик мазмунни тўғрилиги (шонлигини) фойдаланилган материалнинг (маълумотлар, ахборотлар, картографик асослар, ҳисоб-китоб жараёнида олинган янги маълумотлар ва бошқ.) нақадар объективлиги билан баҳоланади. Бу жиддий муаммо, бу хаританинг умумий, шунингдек ҳар бир кесми харита, диаграмма, жалвал, матнларнинг мазмунига салбий таъсир этади. Шунини ҳисобга олиб барча материалларни қайта-қайта қўлдан ўтказиб чиқишда эринамаслик лозим. Ҳуллаас, қанчалик бирлашган материал тўғри бўлса, тузилган харита мазмунини шунчалик шонлигини бўлади.

2.2. «Табиатдан фойдаланиш харитаси» ни тузишнинг илмий тамойиллари ва услуби

Табиатдан фойдаланиш мураккаб, кўп профили ва серирилли жараён. Табиатдан фойдаланиш деганда ундан барча бойликлар, ноз-неъматларни олиш, уларни қайта ишлаш, табиатнинг муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш жараёнида вужудга келган барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа жараёнлар тушунилади. Қисқача шаклда уни қуйдагича ифодадан мумкин, яъни табиатнинг барча ресурслари ва шароитларидан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш ёки бошқа вариантда қуйдагича содда тилда ёзиш мумкин “табиатдан фойдаланиш”.

Табиатдан фойдаланиш харитаси шунчалик мураккаб жараён экан, уни тузиш мумкинми, деган табиий савол туғтилади. Шу нуктага қадар бундай мазмундаги харита мавжуд бўлмаган, уни тузиш услубини ҳам бўлмаган. Бу хаританинг муҳим илмий ва асосий аҳимиятини эътиборга олиб, Наманган вилоятининг 1:200000 масштабдаги харитаси профессор А.А.Рафиков раҳбарлигида 2002 йилда илк бор тайёрланди.

Харитага шу масштабдаги типологик ландшафт харитаси асосини олинган. Ландшафт харитаси ҳудуднинг асосий сўжгурали асосий қилинини ўзида тўлиқ намоён этади:

- Урғун биёғли ва бағалд тоғлар;
- дарағи;
- дарағи.

Нисон ушбу минтақаларда табиат ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек атроф муҳитга чиқариш, бойликларни (ҳом ашё) қайта ишлаш, ресурсларга биёғлига ёки бевоғлига таъсир этиш ва бошқа турдаги фазолияти натижасида уларда турли тоифалиги ашёлар учирлилар содир бўлади. Буларни микёси, таъсир дарағи ва радиуси, табиат билан жамият ўртасидаги таъсир дарағи, инфоғлини дарағи ва ҳудудий микёси каби параметрлар ҳамда сифатий кўрсаткичлари картографик жиҳатдан ўрғинилини лозим. Бошқача айтганда, нисон табиатдан нима олиш, нимани қайтаради. Шу масала табиатдан фойдаланиш жараёнини ишлаб чиқишда асосий устувор мавзу бўлиши лозим.

Аммо, турли ранг спектри билан нисон ҳўжалик фойдаланиш бош турлари ажратилади: а) сўғорма ерлар, б) дарағи ерлар, в) яғловлар. Ерлардан фойдаланишга қараб кўпгина маълумотлари берилиши керак, сўғорма ва дарағи ерлар фойдаланиш (рикмилар) ландшафтларнинг контуруларида берилади. Инфоғлинининг қадастр маълумотлари йил мавзудлари турда дарағи контуруларида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳуллаас нисон ҳўжалик фазолияти билан боғлиқ бўлган жараён ва қилишлар мазкур хаританинг масштабига мос ҳолда қилиш шароити белгилар ёрдамида тушурилади. Масалан, Сирдарё вилоятини минтақасида қуйдаги жараёнлар ривожланган: тупроқ инфилини, дефляция, ботқоқлини, ирригация эрозияси, тупроқ инфилини, тупроқ қашшоқлини ва бошқалар. Бошқа минтақаларда уларнинг таркиби конкрет табиий шароит ва ҳўжалик фойдаланиш қилиб кескин фарқ қилади (адир, тоғ).

Шартли белгиларни икки хил рангда кўрсатилиши маълум маълумоти аниқлаштирилади. Агарда қора рангда кўрсатилса, айтилиши бу жараён 8-10 йилдан ортиқ мўлдатда, қизил рангда кўрсатилса 5-й йил давомида ривожланиётганини аниқлаштирилади. Бу фарқи амалий аҳамияти бор.

Дарё, суғорув канал, сувомбори, селхоналарнинг сув сифати, минераллашув даражаси ва бошқа хусусиятларини кўрсатиш амалий аҳамият касб этади. Унинг учун Наманган, Қал, Пунган аҳоли яшаш жойларида Сирдарё сувининг асосий индентентлар бўйича ўртача йиллик маълумотларини берилиши қиёф. Лекин уларни кўрсатиш мураккаб, энг қулай умумий минераллашуви берила бўлади. Картограмма ёрдамида 1980, 1985, 1990, 1995, 2000, 2005, 2010, 2015 йиллар учун маълумотлар берилиши Сирдарёни тўлиқ тавсифлаш учун етади. Бу аввало Сирдарёни Наманган вилоятига киришда қанчалик шўрланган берилишини ҳамда вилоятдан чиқиб кетганда қанчалик ўзгаришга учраш тўғрисида маълумот олиш учун зарур бўлади. Индентентлар бўйича маълумотларни алоҳида жадал тузиб, хаританинг бўш жойида кўрсатилиши мумкин.

Норин дарёсидан келадиган сувнинг вегетация дарилини харотанин Ушқўрғон гилропости бўйича берилиши жоиз. Бунинг учун хаританинг бўш жойида график тузиб, вақт мобайнида сув харотанин ўзгаришини, айтилиши 1990, 1995, 2000, 2005, 2010, 2015 йиллар бўйича турли рангларда кўрсатилса, айни мўлдат, Мазкур график сувдан фойдаланувчилар учун зарур.

Вилоятдаги ер усти сувлари баланси жадал тарзида берилиши ва унда ҳудуднинг сув ресурслари етиш-етишмасининг, яъни бир йилда қанча ҳажмда сув керак-ку, қанча ҳажмда сув олинаётганини, ортиқча қанча сув Сирдарёга ташланаётгани маълум бўлади. Коллектор-завур сувлари ва сизилишга сарф бўладиган сувнинг ҳажми, албатта кўрсатилиши лозим.

Вилоят бир йил давомида қанча ҳажмда сув олапти-ку, қанча микдорда Сирдарёга чиқарилган, км³ да берилиши жоиз. Қайтган сувларнинг ифлосланиш даражаси, қимёвий ва биологик тарқон кўрсатилиши зарур. Хар бир дарё ва сойларнинг қуйилиш жойи учун уларнинг ўртача йиллик сув оқими микдори ва улардан фойдаланиш имкониятлари жадал тарзида тузилиб, хаританин бўш жойида берилиши айни мўлдат.

Ер ости сувларининг вилоят бўйича захирасининг умумий микдори ва улардан амалда фойдаланиш мумкин бўлган ҳажми, бир йилда олинаётган ҳажми сув микдори жадал тарзида берилиши лозим (сув ҳажми км³). Соё сувларининг сифати харитада турли рангда хоши билан кўрсатилиши тақдиф қилинади. Бу ранг соё унинг бўлиб, сув сифатини ўзгаришга мувофиқ бир неча рангда бўлиши мумкин. Сувомборлари ва селхоналарнинг сув сифатини тавсифлаш учун уларнинг киргожларини турли рангларда хоши билан кўрсатиш натижасида эришиш мумкин.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини харитада тавсифлаш муҳим аҳамият касб этади. Наманган вилоятда қатта-қатта оловат қорхоналари йўқ, шунинг учун ҳам ҳаво унчалик ифлосланмаган. Ифлосланиш Наманган шаҳрида кўпроқ қанг (РЭМ-дан 1,3 марта кўп) ҳисобига юз беради, азот қўш оксиди (РЭМ-0,75), азот оксиди (РЭМ-0,5), углерод оксиди (РЭМ-0,3) эвазига кўпроқ бўлади. Вилоятда автомобил транспортни ривожланиб беришда, қанчалик довоми йўлининг реконструкция қилиниши муҳим вақти билан автомобиллар сони борган сари қўлаймоқда, бундан халонинг ифлосланиш даражаси ортмоқда (вилоятда 1990 йилда қишлоқдаги манбаалардан жами бўлиб 75,4 минг тонна ифлосланган модалар ҳавога чиқрилган бўлса, 2000 йилда 111,2 минг тонна, 2012 йилда эса 118,7 минг тонна шу турдаги зарарли чиқиндилар чиқарилган). Чиқиндиларни картодиagramма ёрдамида қўлдан билан ифодалаш қулай, чиқиндилар фонз ёки минг тонна асосида берилиши мумкин.

Суторми ерлар – бош табиий бойлик, уни хар қандай усул билан қанчалик картография тавсифланса арзийди. Юқорида кўпроқ бонитировкаси масаласи тўғрисида сўз юритилди. Уни ифлосланиш омиллари ҳақида сўз бошланган эди. Наманган вилояти ортиқча ерлари эрозия туфайли зарар кўради. Рельеф қилиги кўпроқ 0,002-0,003° дан бир неча баравар қатта бўлгани учун эрозия қилиниш содир бўлади. Харитада бу жараённи махсус шартли белги билан кўрсатилишидан ташқари, алоҳида бўш жойда кўпроқ харитада тулрок эрозияси даражаларини районлаштирилган қилини берилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада М.Н.Заставский (19) ва бонитированин иш усуллари ва материалларидан фойдаланиш натижаси. Суторми минтақасини йирикрок масштабли махсус харитада районлаштириш харитасини берилиши амалий аҳамиятга эга. Рельефининг қилинклар харитасини берилиши айни мўлдат.

бунда тангенс альфада эрозияга берилмайдиган ҳудудлар, эрозия кучисиз юз берадиган, ўртача даражада эрозия содир бўладиган ерлар ва бошқа тоифаларда эрозия юз бериши мумкин бўлган ҳудудлар тавсифланиши лозим.

Адир минтақаси бутунлай эрозия содир бўладиган ҳудуд, уни штриховка билан белгилаш мақсадга мувофиқ. Шу зонада сел ҳодисеси, сув тошқинлари, дўл мунтазам юз беради. Шу сабабдан эрозия фаол ривожланган. Бундай ҳодисалар мажмуаси ва улар ўртасидаги боғлиқлик асосий харитада махсус шартли белги билан кўрсатилиши, унинг илмий мазмунини янада оширади.

Тоғ минтақаси яйлов, пичанзор ва ўрмонзорлардан иборат. Табиатдан фойдаланиш жараёни тежкорлиги билан тавсифланган. Яйловлар маҳсулдорлиги, ҳар тектар майдонга канчадан бош (йирик шохли, майда шохли, от) мол туъри келиши (ййлов снгиши), шартли белги-символлар (микдори белгилайдиган) ёки микдори кўрсаткичлар билан тавсифланиши жоиз. Табиий ва инсон омиллари таъсирида деградацияга учраган ва фойдаланишдан чиккан (тикланиши мумкин бўлган, тикланмайдиган) яйлов арсаулари алоҳида шартли белгилар билан характерланганини ҳамда четаралари (нуқтали, пунктирли ва ҳақозо) кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Иложи бўлса уларнинг майдонлари микдори кўрсаткичлар (га) билан ифодаланиши ўринли бўлади.

Алоҳида жадвалда яйловлардан фойдаланиш (ландшафтлар контурлари ёки яйлов типлари бўйича ажратилган бўлса уларни тартиб рақамлари асосида) муддатлари (мутлак баъданлик, икклимий маълумотлар асосида) кўрсатилиши хаританинг амалий аҳамиятини янада оширади. Ҳудди шу тартибда пичанзорларни турларига қараб ўрнш муддатлари жадвал асосида берилиши, уларнинг ўртача маҳсулдорлигини (тектарга центнер ҳисобидан) кўрсатиш фойдалан ҳоли бўлмайди.

Ўрмонларнинг биологик ва экологик ҳолатлари, улардан ҳўжаликда фойдаланиш имкониятлари, амалий аҳамияти (тулпрокин эрозиядан сақлаш, суффозия, қор қўчқиси, сел, қирғоқ ўтирилгани ва ювиллиши, сурилмаларни олдини олиш каби табиий ва антропоген жараёнлар ҳамда правитацион ҳодисаларни олдини олиш) бекиёс қатта. Бу ҳуусуиятларни қандай қилиб харитада ифодалаш мумкин? Вилговда ўсимликлар тоғ шароитида 700 (600)-3000 (3200) м оралиғида учрайди. Юқорида 1000 метрдан бошланб арча, қўйи минтақада (600-1600 м) бодом, ёнғоқ, олма, олча, тоғ

Воҳаларда минераллашуви юкори бўлган дарё суви билан экинларни суғорилиши туфайли тупроқда кўпдаб туз ётқизилмоқда (1 та майдонга йилга 9-24 т ва ундан зиёд). Туз баланси салбий ва ижобийлигига қараб қайси шўрланиш прогрессив, қайсида регрессив эканлигини аниқлаш ва шунга қараб прогнозлаштиришни олиб бориш мақсадга мувофиқ. Қуйи Амударё, Бухоро дельтасининг этаклари, Жиззах, Марзачўлда туз тўпланиши ошиб бормоқда. Оролиннг қуриган қисмидан кўтарилаётган туз «ёмири» ҳам эътиборда бўлиши керак. Бу воҳаларда айрим ҳудудлар зовур тармоқларига эга эмас (Қорақалпоғистоннинг айрим ер массивлари), шундай экан туз тўпланиши янада прогрессивроқ давом этади.

Воҳаларда коллектор-зовурлар тизими ҳамма жойда ҳам самарали ишламайди, тик зовурларни маълум қисми таъмирлашга муҳтож, жойларда улар умуман қаровсиз ҳолда. Прогнозлаштириш жараёнида буларга, алоҳида аҳамият берилиши прогностик маълумотларни тўғри бўлишига имкон беради. Бу борада Мирзачўл, Жиззах, Қарши дашти, Шерабод, Бухоро, Марказий Фарғона ерларида тик зовурларнинг самарадорлиги ҳозирда жуда паст, уларни самарали ишлатмаслиги оқибатида грунт сувларининг сатҳи меъёрдан анча юкори жойлашган, тупроқ шўрланиши жадаллашган.

Воҳалардан чиқиб келаётган зовур сувлари — қайтган сувларни бир қисми Қизилқумдаги ботикларга, қолгани яна қайтадан Амударё ва Сирдарёга ташланмоқда. Чўлдан ботикларда янги сунъий шўр кўлар вужудга келди (Айдар, Денгизкўл, Катта шўр кўл, Сарикамиш ва бошқалар), яна янгида таркиб топтомоқда. Бу аҳолида бутун Қизилқумдаги барча ботиклар кўлга айланиши мумкин, бунинг оқибатида табиий яйловларнинг майдони қисқариб бораверади. Қайтган сувларни Оролга оқизиш канчалик фойдали экан бўлмаса уларнинг ҳажмини борган сари қайтаришга эришиш зарур, бу вариант мақсадга мувофиқ. Булар тўғрисида ҳам аниқ маълумотлар асосида прогнозлаштиришда эътибор бериш жоиз.

Юкорида айтиб ўтилган мулоҳазалар асосида воҳаларнинг агрогеотизмларини истиқболда ўзгариши бўйича бир неча вариантларда (камида 2 вариантда) прогнозини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш лозим.

Чирчик, Охантарон, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон дарёларининг террасаларидаги суғорма ерлар, Наманган сойлари атрофидаги ерлар агрогеотизмлари нисбатан барқарор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ерларда ҳар йили муттасил юкори ҳосил етиштирилади. Бу агрогеотизмларда асосий эътибор прогнозлаштиришда ирригация эрозияси, жар эрозияси, ўлқон, чуқш, сел, сурилма қаби ҳодисаларга қаратилиши лозим. Аллоовид ва проловид лёсли текисликлар қияликлари билан қарғилиб туради.

Тоғолди суғориладиган ерларни технотен чиқиндилар билан ифлосланиши сановат шахарлари ҳисобига юз беради, лекин уларни ўз-ўзидан тозалаш қобилияти ҳам мавжуд. Лекин бу ҳодиса аниқ агрогеотизм асосида аниқланиши шарт, барча табиат комплекслари ҳам бу ҳусусиятга эга эмас ёки у суғуришдан бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда лёс ва лёссимон жинслардан ташкил топган 3- ва 4- аллоовид террасалар ўз-ўзини тозалаш ҳусусиятига эга, бу жиҳатдан улар анча барқарор.

Қуйи Амударё, Қуйи Сирдарё, Қашқадарё этакларидаги воҳа суғорма ерларини прогнозлаштириш алоҳида диққат — эътиборга сазовор.

Дельтали аллоовид текисликлар мураккаб рельеф ва литологик тузиллишга эга, шу муносабат билан гидрогеологик шароитлари ҳам маконда тез ўзгаришчанлиги билан тавсифланади. Грунтларнинг сув ўтказиш қобилияти ниҳоятда суғуриш (қумоқларда сутқасига 0,009-0,54 м, тилда эса 0,01-0,12 м), лекин намининг тик кўтариллиши қобилияти анча катталиги (тилда 4-6 м, қумоқда 3-4 м, қумлоқда 1-1,5 м ва ҳоказо) сабабли дельталарга сув атрофдан оқиб келиши бисёр, лекин уларни бу ҳудуддан чиқиб кетиши йўқ даражада бўлганлиги туфайли, тупроқда қаттиқлар бутланиши ҳисобига шўрланиш қучли тарзда содир бўлади. Рельефининг маҳаллий нотекислиги тупроқ шўрланиши ҳудуд бўйича ҳар хил шакл ва даражада бўлишига олиб келади.

Бундай мураккаб мелiorатив шароитда прогнозлаштириш жараёни хийла эҳтиёткорликка ундайди. Бундай вазиятда тажжислаш, баҳолаш, мантикий таҳлил, эксперт баҳолаш, тадқиқот иш усулларини қўлдан ҳолда прогнозлаштиришнинг амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, қўшимча тарзда аниқ ишланган ҳудудий грунт сувлари ва тупроқларнинг туз баланслари, тупроқ шўрланиши

харитаси, грунт сувлари сатҳини жойлашув харитаси, геоморфологик харита асосида картографик, математик-статистик усулларида фойдаланган ҳолда прогноз харитасини тузиш лозим. Рельефининг маҳаллий каварик ва ботик, ёнбағир қисмлари алоҳида тавсифга эга бўлгани маъқул.

Суториш сувининг минераллашув даражаси, кимёвий таркиби, инфлюенси харақтери, тулпроқда мавжуд бўлган маълум генетик қатламлардаги тузлар горизонтлар (улар 0-5% ва ундан кўп миқдорда тебранади), грунт сувлари сатҳи, шўрланиш даражаси (г/л) эътиборга олинган ҳолда ландшафтининг морфологик қисмларининг (урочишча, жой) ҳар бир контури ишлаб чиқиладди, яъни прогнозилаштирилади.

Худуд бўйича тайёрланган биринчи вариантдаги прогноз харитаси баъзи ўзгаришлардан сўнг тайёр ҳолга келади. Куйи Амударё ва Куйи Сирдарё дельталари воҳа прогноз хариталарини тайёрлашда денгизнинг қуриган қисмидан шамол таъсирида келаётган «туз» ёмғири, суториш сувининг шўрлиги ва тузларнинг худудий тўпланиш обласи эканлиги алоҳида назарда тутилгани керак.

Воҳаларнинг мелiorатив аҳволи, ландшафтларнинг ўзгаришини прогнозилаштириш анча мушкул масала, бунда кўплаб омилларни тўғри ҳисобга олиш, табиат қонунчиликлари, муҳитнинг ритмик ўзгаришлари, динамикаси ва тараққиёти, инсон таъсири эътиборга олингани лозим.

Ўзбекистонда текислик, баъзи ҳолларда тоғ эгизлиги минтақаларда жойлашган воҳаларда грунт сувларининг сатҳи кўтарилиб бормоқда.

Бунга сабаб қалин лёссимон жинслар ва лёсс қатлами остида сув ўтказмайдиган неогеннинг гил, қумтош, конгломерат ётқизкиларининг мажмули ва тўртламчи даврнинг тектоник бўқимларда жойлашганлиги билан тавсифланади.

Воҳаларда суторишни ривожлантиришни туфайли грунтта шимилган сув, ётиқ оқимнинг йўқлиги натижасида тик кўтарилиш йўналишида ер сатҳига томон кўтарилиб бормоқда.

Шунинг учун Мирзачўл, Жиззах чўли, Қарши дашти, Куйи Амударё, Куйи Зарафшон ва бошқа худудларда грунт сувларининг сатҳи кўтарилиб бормоқда. Ҳозирда уларнинг сатҳи 2-3, баъзи жойларда 1-2 м ни ташкил қилади.

Мирзачўлда 20-аср бошида грунт сувларининг сатҳи 1,5-2,0 м ва ундан ҳам чуқурда бўлган. 1990 йилга келиб унинг юзаси 1-2 ва 2-3 м ни ташкил қилди. Унинг минераллашув даражаси турлича (3-5 г ва ундан ортиқ).

Воҳаларда грунт сувларини сатҳини кўтарилиш оқибатлари яхшилик олиб келмайди, яъни тулпроқ шўрланади, нишоотларнинг пойдевори, коммуникациялар зарар кўради ва бошқалар. Уларнинг сатҳини маълум чуқурликда (5-7 м, энг камда 3-5 м да) барқарор равишда сақлаш ҳамма жиҳатдан маъқул.

Бунинг учун бошқа мавзули хариталар қатори воҳаларнинг грунт сувлари сатҳини кўтарилишини прогнозилаштириб, табиий қомполексларнинг прогностини ишлаб чиқиш зарур. Унга мувофиқ худуднинг оптималлаштириш йўллари батафсил асосланиши жоиз.

8.2. Район планировкаси тизимида табиий муҳит ўзгаришларини прогнозилаштириш ва прогнозлари

Район планировкаси — худудни ҳўжалик жиҳатдан ўзлаштириш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолига тулик маданий-машиний хизмат кўрсатиш мақсадида у таъкил қилинди. Район планировкасида бош вазифа ишлаб чиқаришни жойлаштирилиши, режалаштирилаётган турли сановат, қишлоқ ҳўжаллиги, транспорт, қурилиш ва бошқа объектларни атроф муҳитта таъсирини прогнозилаштириш ва прогнозларини ишлаб чиқишдан иборат.

Район планировкасида прогностини ишларини мазмунини турлича ва асосан уни бошқичалари ва турлари билан боғлиқ. Район планировкаси схемасини тайёрлашни бошқичада турли объектларини жойлаштириш, масалан, аҳоли пунктлари, йўл, сановат ва фуқаролар объектлари, рекреация минтақалари ва бошқалар кузатилади. Бу бошқичада прогнозилаштириш умумий район худуди бўйича тайёрланиши мумкин. Худуд майлони катта майлонни эгаллагани учун кўпинча йирик масштабни хариталар асосида амалга оширилади. Демак, район планировкасида ушбу бошқичадаги мазмунни худудий прогнозилаштиришга мос келади.

Бундай прогнозилаштириш, айтилиқ йирик тоғ-кон сановат мажмуасини ишта солиш ва у билан боғлиқ бўлган аҳолининг жойлаштирилиши, йўлсозлик, ижтимоий инфрақутилмани вуҷудда

келтириш, ичимлик ва техник сув билан таъминлаш ва бошқа курилишларни амалга оширишда ишлатилади. Масалан, Қаршидаги табиий газ ва нефть бойлиқларини ишта солиш (Муоборак ва Шўртан газ-кимё саноати мажмуалари, Кўкдўмалоқ нефтни қазиб олиш, газ конденсати компрессорлари станциялари билан бирга), Қораўлбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси каби битта йirik район планировкасини ташкил этади. Ҳозирда бу район планировкаси объекти тулик поёнига етганича йўқ (Толимаржон ГРЭС, у Марказий Осиёда энг йirik электр энергия ишлаб чиқариш корхонаси бўлади) ва бошқа нефть билан газни қайта ишлайдиган корхоналар куриш режалаштирилган. Ҳудди шундай район планировкаси Қизилқумда шаклланиб бормоқда. Устунорда вужудга келиши бошланди ва бошқалар.

Лойиҳалаш жараёни ёки босқичида, бу вақтда ҳар бир объектни курилиш ўрни аниқланади. Бунда у объектни атроф-муҳитта таъсири бўйича прогноزلатириш ишларини бажариш мумкин. Ҳудуд ва босқичда мавжуд, яъни фойдаланишда бўлган корхоналарни самарадорлигини ошириш мақсадида реконструкция қилиш, саноат қувватини ошириш, янги қўшимча цехларни ишта тушириш ишлари бажарилади. Бунда корхоналарни атроф муҳитта таъсирини маҳаллий прогнозлатириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, район планировкасининг схемаси ҳудуднинг имкониётларини очиб бериш, район планировкаси лойиҳаларни эса имкониётларни аниқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Бу район планировкаси схемаси бўйича ишларни прогнозлатириш, тадқиқот синфита район планировкаси, лойиҳаларини меъёрли синфита ажратишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда ва келажакда табиий муҳитта урбанизация жараёни катта таъсир кўрсатади. Шаҳар агломерацияларида ва саноат шаҳарларида ишлаб чиқаришнинг централизация, аҳоли сонини ошириш ва муҳитни ифлосланиши кучаяди. Шу муносабат билан шаҳарларни жойлаштириш ва шаҳар муҳитини ташкил қилиш район планировкасини муҳим муаммоларидан биридир. Табиий муҳит прогноз объекти сифатида шаҳарсозлик нуктан назаридан эмас, балки режалаштириш ва ресурс жиҳатидан қаралади. Ҳозирги вақтда шаҳарларни турли мураккабликдаги рельеф шароитида ҳам куриш мумкин. (Тошкент «Жар» спорт комплекси жар ўрнида қад кўтарди, «Чорсу» меҳмонхонаси ҳам

жарлик ва пасткамлик ўрнида курилди ва бошқалар). Лекин шаҳарта мос ва қайтарилмас табиий муҳит – пейзаж мавжуд бўлиши шаҳар кўрқини янада очади. Шунинг учун ҳам рельеф, сув, ҳаво, шамол, кўёш нури, ўрмонзор, дарё, канал ва бошқа ландшафт элементлари табиий ресурс сифатида қаралади.

Район планировкасини схема босқичида шаҳар аҳолисини жойлаштириш бўйича ушбу ҳудуднинг табиий компонентлари ва комплексларини ўзгаришини прогнозлатириш амалга оширилади, кишиларнинг яшаш шароитлари ва ишлаб чиқариш фаолияти аниқланади, эски шаҳарчаларни ривожлантириш ва янгиларини куриш бўйича янги майдонлар ажратилади. Бунда табиий прогноз учун шаҳар агломерация даражаси, аҳолининг зичлиги ва ошиб бориши, устувор ишлаб чиқариш типлари тўғрисида аҳборот керак бўлади.

Район планировкасини схема босқичида экологик-географик экспертлик баҳолаш, экстраполяция, математик моделлаштириш, географик районлаштириш ва палеогеографик усуллар муҳим аҳамиятга эга. Экспертлик баҳолаш усули ҳудуднинг имконий табиий хусусиятларини аниқлаш учун фойдаланилади, бунда асосий мақсад у ёки бу объектни (шаҳарлар) жойлаштириш имкониётлари нуктан назаридан қаралади. Географик экспертланиш асосий вазифаси макон бўйича аҳборот сифатини текшириб кўриш ва инвентаризация қилиш зарур. Аҳолининг жойлаштириш натижасида табиий муҳитта таъсири, муҳитни шаҳарларга акс таъсири баҳоланади, бу тўғрисида жойлаштириш лойиҳаси ҳақида эксперт хулосаси тайёрланади.

Экспертлик баҳолашнинг аҳамияти шаҳарлар ва шаҳар кўрқонлари, қайта ишлаб беришчи саноат корхоналарини жойлаштиришда, айниқса катта. Бу ҳолда ҳудудларни танлаш имкониётлари янада кенгайди, баҳолаш мураккабланиши. Одатда ишлов беришчи саноат корхоналари, шаҳарларни жойлаштириш, қазиб олувчи саноат шаҳарларига нисбатан тезроқ ривожланиб бормоқда.

«Бўсатилиш усули» (метод порога) кейинги вақтларда шаҳарларни жойлаштиришда баъзи ҳудудлар учун қўлланилмоқда. Шаҳар ривожланиш босқичида маълум чеклашларга риоя қилиши керак, бу ҳол баъзи ресурсларни етишмаслиги (тақчиллиги), ерлан фойдаланиш планировка структурасини қаттиқлиги ва бошқалар сабаб бўлади. Чўл шароитида ичимлик сувини етишмаслиги асосий

сабаб бўлиши мумкин. Радиоактив ресурслар казиб олинган ва қайта ишланган корхоналарни мавжудлигига ҳам таъсир этиши мумкин.

Фаргона ва Чирчик-Охангарон водийлари район палинровкаси нуктан назардан иқтисодий ривожланган ҳудудлар ҳисобланади. Лекин Чирчик-Охангарон водийсида атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражаси анча юқори, ўлкани ўз-ўзини тозалаш даражаси унчалик юқори эмас, тоғ-водий шомоллари сановат шаҳарларидан кўтарилган чикиндиларни йirik шаҳарлар устига тамон хайдайди, агарда бу вақт шимоли-тарбий шомоллар эсса уларни тоғ водийси томон суриб кетади. Бу бир ижобий ҳодиса, лекин бу шомол ҳар доим ҳам мунтазам эсмайди. Фаргона водийсида шомол ҳаракати соат стрелкаси бўйича ҳаракат қилади ва бутун ифлослик Фаргона, Кўкон шаҳарлари устига хайдайди. Қишда шомол Кўкон, Уратьевский, Бекобод номлари билан аталиб, Мирзачўл томон ҳаракат қилади. Фаргона водийсида атмосфера ҳавосини ўз-ўзини тозалаш даражаси Чирчик-Охангарон водийсига нисбатан анча суёт.

Мазкур шароитда район планировкаси тамойилларига кўра йirik сановат корхоналарини жойлаштириш мумкин эмас. Айниқса, рангли металлургия, нефть ва газ қимёси, цемент корхонаси, йirik ГРЭС ва бошқалар. Аҳолини энч жойлашганлигини эътиборга олиб, атроф муҳитни ифлосланишига кучли таъсир этмайдиган кичик ва ўрта миқёсдаги корхоналарни жойлаштириш мумкин. Мавжуд корхоналарни тубдан реконструкция қилиш самарасини ошириш, берк технологияни қўллашга ўтиш зарур. Акс ҳолда тоғолди ва тоғ водийлари геотизимлари ифлосланиш натижасида аҳоли соғлигига путур етади, турли отир ҳасталиклар тарқалиши турган гап. Бунда нафакат ҳаво, шунингдек сув ҳавзалари, тупроқлар ифлосланади, чорва моллари касалланади, экнзорлар жиддий шикастланади.

8.3. Табиий-географик ва антропоген ҳодиса ҳамда жараёнларни прогнозаштириш ва прогнозлари

Инсоннинг ҳўжалик фаолияти кент миқёсда амалга оширилиши натижасида табиятда турли табиий-географик ҳодиса ва жараёнларнинг (кискача табиий ҳодиса ва жараёнлар) ривожланиши

кузатилади. Уларнинг оқибатлари барчага маълум, улар ҳақида адабиётларда атрофича мулоҳазалар юритилган [13, 16]. Шу жиҳатдан қараганда уларнинг фаолиятларини прогнозаштириш ва прогнозларини ишлаб чиқиш долзарб масала.

Табиий ҳодиса ва жараёнларни прогнозаштиришда уларни келиб чиқиш сабаблари ва генетик, динамик омилларини назарда тутиш, шунингдек, ҳудуднинг ландшафт структураси ҳамда динамик ҳолати, инсоннинг ландшафт комплексларига таъсир даражаси ва бошқа жараёнларни ҳисобга олиниши даркор. Бу борда табиий омиллар таъсирида ривожланган жараёнлар ва ҳодисалар, аввалдан мерос бўлиб келган жараёнлар, инсон ҳўжалик фаолияти бошланиши билан янгитдан вужудга келган жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиш муҳим сабаб-оқибат занжири асосида ҳамда генетик тамойилда уларнинг таснифланишини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон шароитида жараён ва ҳодисаларни текислик ҳамда тоғ, тоғолди қисмларга ажратган ҳолда прогнозаштиришни амалга ошириш анча қулайлик туғдиради, чунки уларни вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиши кўп жиҳатдан ҳудудий ҳусусиятга эга. Текисликда республика ҳудудининг катта қисми чўл минтақасида жойлашганлигини эътиборга олиб, арид зонани ҳўжаликда фойдаланишига қараб, уни яйлов ва сўғорма минтақаларига ажратган ҳолда прогнозаштиришни ўтказиш лозим. Сўғорма минтақалари жараёнлар яйловларига нисбатан кескин фарқ қилади.

Сўғормалардан минтақа, яъни воҳалар, генетик жиҳатдан дарё дельталари, таррасалар, проловиял шейфлар, қолдиқ баландлик ва платоларда жойлашган. Табиий жараёнлар структурасини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, бу ҳудудларда инсон сўғормини ривожлантирмадан аввал эол, эрозия, туз тўпланиш (хемоген), тақир ҳосил бўлиши, лойка босиши, ботқокланиш ва бошқалар ривожланган. Воҳаларда сўғормини кўп аралар давомиди тараққий қилиши натижасида жараён ва ҳодисаларни ривожланиши кент миқёсда содир бўлди ва янги турлари пайдо бўлди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд воҳаларининг икки ярим минг йилдан энди сўғормини тарихини мантиқан таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, уларда қадимдан асосан тупроқ шўрланиши, сўғормини эрозияси, ботқокланиш, дефляция, ариқларда лойка ўтириши, каналлар соҳилида чўкиш, ўпирилиш ва бошқа жараёнлар ривожланиб келган. Сўғорма ердан фойдаланиш коэффициенти кичик (0,1-0,4)

бўлганлиги туфайли уларнинг таъсири жиддий бўлмаган ва улар вақтида бошқарилиб турган.

Хозирги вақтда воҳаларда табиий ва антропоген жараён ҳамда ҳодисаларни бошқариш микёси анча мураккаб. Бозор иқтисодиёти шароитида сугорма ерларни мелiorатив ҳолатиши ростлаб туриш кийин кечмоқда. Коллектор-зовур тармоқларини жорий таъмирлаш, тозалаш, фойдали иш коэффициентини ошириш борасида амалий ишлар барча жойларда ҳам юқори савияда олиб борилмапти. Тик зовурлар ва ёрик зовур тармоқларини таъмирлаш ишларини мунтазам олиб борилмаётганлиги туфайли уларнинг катта қисми мутлақо ишламайди. Ер шўрини ювиш, ерларни текислаш сифатли ўтказилмапти, ихота дарахтзорларини тиклаш, янги ихотазорлар бунёд этиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Буларнинг барчаси ернинг мелiorатив ҳолатини ёмонлаштиришга сабаб бўлмоқда. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Қорақўл, Шеробод, Қарши, Жиззах, Мирзачўл воҳаларида туپроқ шўрланиши, дефляция жараёнлари кенг миқёсда ривожланганлиги сабабли, ҳар йилги пахта, дон, шол, см-хашак, поллиз оқинларидан режадати ҳосилини йиғиштириб олишни иложи бўлмапти. Туپроқ сувлар сатҳи кўтарилиб кетган (асосан, 1-2 м жойларда 0,5-1 м, 2-3 м).

Хозирги мелiorатив аҳолини таҳлил қилиш натижасида воҳалар бўйича антропоген жараёнларни қўйидати ривожланиш йўналишларини ажратиш мумкин: Кўйи Амударё воҳалари (Қорақалпоғистон, Хоразм) – туپроқ сувлари сатҳини кўтариллиши, туپроқ шўрланиши, аҳоли яшаш жойларида туپроқ сувлари сатҳини кўтариллиши, суффозия, арик ва каналларда лойка ўтириш, жойларда дефляция ва бошқалар.

Туپроқ сувлари сатҳининг режимини бошқариш бўйича чора-тадбирлар сезиларли даражада амалга оширилмаётганини эътиборга олинса, у ҳолда келажакда шу мелiorатив аҳвол жиддий ўзгаришларни мумкин. Бинобарин, Кўйи Амударё воҳаларида хозирги антропоген мелiorатив жараёнларнинг ривожланиш йўналишлари сақланиб қолади. Уларнинг ривожланиши асосида кучсиз даражада шўрланган туپроқларда ўртача шўрланган, ўртача шўрланган ерларда кучли шўрланган, кучли шўрланган участкаларда шўрхоқлар таркиб топади, бу ҳодиса, айниқса Қорақалпоғистонда кенг миқёсда солир бўлиши кўтилади, чунки бу ҳудудда туپроқларни кўйи катламларида қолдиқ тузнинг кичик катламларининг (каттик қолдиқ 1-3%, баъзан 4-5% гача)

мавжудлиги кузатилади [20-23], шунингдек, дарё суви таркибиди эриган сульфат ва хлор тузлари нониари жуда бисёр (минераллашув даражаси ўртача 0,7-1,5 г/л баъзан (шимолий туманларда) 1,6-2,5 г/л гача тебранади, сув тақчил бўлганда зовур сувларидан ҳам фойдаланилади. Орол деңгизининг қургитан қисмидан шамол таъсирида учиб келаётган туз қуқунлари (ҳар гектар майдонга жанубий туманларда 100-300 кг, шимолида эса 300-1000 кг) туپроқ шўрланишини кучайтириб бориши назарда тутилди.

Демак, Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳаларида хозирги мелiorатив аҳоли сақланиб қоллиниши, истиқболда туپроқ шўрланиши, жараёнларнинг кенг миқёсда ривожланишига имкон яратди. Ўрта ва кучли даражада шўрланган ерларнинг умумий майдони 20-35%, жойларда (Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида) 30-50% гача кенгайиши эҳтимол қилинади. Хоразмда кучсиз ва ўртача шўрланган ерлар майдони кенгайиши кўтилади. Баъзи жойларда (Қорақўл чўлига яқин бўлган ҳудудларда) ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдонини кенгайиши эҳтимол қилинади, чунки шу йўналишда мелiorатив аҳвол оғирлашиб боради.

Бухоро воҳасида Қогон, Бухоро, Жондор, Ромитон туманлари, Қорақўл воҳасида мелiorатив аҳвол оғирлиги билан тавсифланади, туپроқ сувларининг ётик оқими тўлиқ таъминланмаганлиги туфайли, уларнинг сатҳи 1-2 м, жойларда 2-3 м да жойлашган, зовур тармоқлари юқори самарада фаволит кўрсата олмаётганлиги натижасида туپроқда туз тўпланлиши тезкорлиги билан тавсифланади. Бу воҳаларда ҳам яқин истиқболда туپроқда туз тўпланлиши жараёни эҳтимол қилинади.

Кучли шўрланиш жараёни Қогон, Бухоро, Ойот, Қорақўл, қисман Ромитон туманларида солир бўлиши учун барча асос бор. Туپроқ шўрланишининг ривожланиши, бизнингча ўртача ва камроқ кучли туз тўпланлиши мажмуасида солир бўлади, деб баҳолаш мумкин.

Шўр тўпланлиши туپроқда мавжуд бўлган тузли катламчалар ва сугориш суви ҳисобига ривожланади. Ушбу номлари кўрсатиб ўтилган туманларда ўртача, камроқ кучсиз ва кучли даражада шўрланган туپроқлар майдонлари устуворликка эга бўлади.

Худди шундай ҳодиса Қарши чўлининг сўғорма ерларида кузатиш мумкин бўлади, чўнки воҳанинг литологик-геоморфологик тузилиши туپроқда туз тўпланиши учун қулайлик туғдиради.

Табиий жараёнларнинг илмий ва амалий жиҳатидан ўрганиш, динамикаси, таснифланиши ва прогнозлаштириш соҳаларида Т.В.Зонкованинг [9-11] хизматлари ниҳоятда бекиёс. Географик прогнозлаштириш объекти сифатида ҳозирда мавжуд бўлган табиий жараёнлар, шунингдек ҳали таркиб толмаган, лекин турли омиллар таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган жараёнлар тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Аммо ҳамма ҳолларда табиий жараёнларни прогнозлаштириш прогноз ҳисоб-китобларининг асосий компонентларини таҳлилга таянади: вақт ва макон, табиий ва ҳўжалик омиллари, улар белгиланган муддатда бош мезон вазифасини бажаради. Табиий ва антропоген жараёнларни прогнозлаштириш мураккаб масала, бунда вақт ва ҳудуд, иқлимий ва гидроген, литоген, ўсимлик, инсон омилларининг бир вақтдаги ўзаро таъсири ва унинг оқибатларини тўғри ҳисобга олиш айти мўддавор.

8.4. Ўзбекистоннинг текислик қисмида иқтисодиётни ривожлантирилиши туфайли табиат комплексларини ўзгаришини прогнозлаштириш ва прогнозлари

Республиканинг текислик қисми турли табиий ҳўжалик комплексларидан иборат. Уларни қуйдаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Воҳалар.
- Дйловлар.
- Тоғ-кон сановати.
- Ботиклар ва сунъий қўллар.
- Оролбўйи ва Орол денгизи (кучли чўллалашётган ва бошқа.).

Уларни ҳар бири маълум ландшафтларни ўз таркибига бирлаштиради. Бугун текислик қисми бўйича табиий географик ёки геоекологик прогноз ишлаб чиқилмаган. Айрим воҳалар Қарши дашти, Бухоро ва Қорақўл воҳалари, Хоразм ва Қорақалпоғистон воҳалари бўйича алоҳида прогнозлар мавжуд (17, 18-расм) (Сафров Э.Ю. 1996 йил, Хожиматов А.Н. 1996 йил, Ҳасанов И.А. 1982 йил, Рафиков А.А., 1976, 1984, 1990).

1-жадвал

Ўзбекистон чўл худудидаги воҳаларда табиий ва антропоген жараёнларнинг ривожланиш йўналишлари

Воҳа	Мавжуд шаклланаётган жараёнлар	Жараёнларнинг ривожланишини белгилайдиган омиллар ва шароитлар	Жараёнларнинг асосий ривожланиш йўналишлари
Қорақалпоғистон, Хоразм	Тупроқда туз тўланиши, аҳоли яшаш жойларида грунт сувлари сатҳини кўтарилиши, дарёларни ўзан бўйи марзаларида дефляция, ўзанлараро баландликларда суффозия, канал ва ариқларда лойка ўтириши	Дельта текисликларининг ўзига хос тузилиши, каварик рельеф грунтларининг механик таркиби енгил жинслардан, ботик рельефининг механик таркиби, оғир бўлган жинслардан тузланлиги, дельталарда ётик ер ости оқимининг деярли йўқлиги. Амударё сувининг шўрлиги, Оролнинг қуриган қисмидан кўтарилган тузларнинг дельталарда ётиши, коллектор-зовур тизимининг юқори самара билан ишламаслиги	Аэрация зонасида ижобий сув-туз баланси, тупроқларда барқарор туз тўпланиши, марза ва баланд текисликларда дефляция, суффозия, эрозия, кучли фильтрация, каналларда лойка ўтириши
Бухоро, Қорақўл	Тупроқда туз тўпланиши, аҳоли яшаш жойларида грунт сувлар сатҳининг кўтарилиши, каварик рельеф шаклларида дефляция, канал ва ариқларда лойка ўтириши (Бухоро дельтасининг марказий ва этак қисмлари, Қорақўл дельтасининг этаклари)	Дельтанинг этаклари тубида қумтош, унинг усти лёссимон жинслар билан қопланган (Бухоро), Қорақўл дельтаси туби қалин қум, усти қумоқ-қумлоқ-гил билан қопланган, атрофи плато билан ўралган, грунт сувлари ётик оқими деярли йўқ, Амударё сувининг шўрлиги, коллектор-зовур тизимининг юқори самарада ишламаслиги	Бугланиш зонасида ижобий туз баланси эвазига тупроқда туз тўпланиши, каварик рельефда дефляция, каналларда лойка ўтириши

Қарши	Қашқадарё дельтасининг марказий ва этак қисмларида тупрокда туз тўпланиши, грунт сувлар сатҳини кўтарилиши, каварик рельефда дефляция, баъзан ирригация эрозияси	Дельтанинг туби оғир механик таркибли кумлоқ, гилдан, усти лёссимон жинслардан тузилган, грунт сувларининг оқими деярли таъминланмаган, ғарбда Девхона, жанубда Чилгумбаз платолари билан ўралган. Мавжуд тик ва ётик зовур тизими коникарли ишламайди.	Тупроқларда туз тўпланиши каварик дефляция, ирригация устувор	туз барқарор, рельефда баъзан эрозияси
Шеробод	Дельтанинг марказий қисмида грунт сувлар сатҳини яқин жойлашганлиги сабабли тупрокда туз тўпланиши, қолган жойларда дефляция, баъзан эрозия рифожланган.	Дельтанинг марказий қисмида қоплама лёссимон жинслар қалинлиги камаёди, неогеннинг гил қатлами уларни остида жойлашган	Марказий қисмида тупрок шўрланиши, қолган қисмларда дефляция хукмрон	

Мамлакатнинг бутун текислик қисми учун ҳам табиий географик ва геожелогик прогноз ишлаб чиқилса, мақсад а мувофиқ бўлар эди. Бу иш маъсулиятли ва қучли билим даражасига эга бўлиши тақозо этиди.

Воҳалар текислик қисмида дельталарда, қисман террасаларда жойлашган. Прогнозлаштириш тупроқ шўрланиши, дефляция, тупроқларни камбағиллашуви, пестицидлар билан ифлосланиши, дарё сувларининг шўрлиги, дельталар грунтлар сув ўтказувчанлигининг пастликда пастлигини эътиборга олинishi, зовур тармоқларининг энчилиги ва ишчи ҳолати меъёрга жавоб бермаслиги, ҳамма ерларда ҳам зовур тармоқларининг йўқлиги, мавжудларнинг самарадорлигини қамлиги ҳам ҳисобга олинishi лозим. Прогноз вариантли бўлиши мақсадга мувофиқ.


Ботиклар ва улардаги сунъий шўр кўллар тўғрисида воҳаларга онд мавзуда баъзи прогностик маълумотлар айтиб ўтилди. Қизилқум, Қарши дашти, Оролбўйидаги баъзи ботиклар эндиликда тўлди. Ортган сувларни Амударёга оқизишмоқда. Қораота, Минтбулоқ ботиклари ҳам сувга тўлиши мумкин. Уларни агарда қуришга эришилса, остида анча қалинликда сульфат-хлорид ва хлорид туз қатлами вужудга келади. Бу минтақалар атрофида қучли шўрланган шўрхоқларда бир йиллик галофитли ва гидрогалофитли соф фитоценоз таркиб топади. Кейинчалик грунт сувлари сатҳини тушиб бориши натижасида қолдик тақирли шўрхоқлар таркиб топади, қорасаксовулзорлар юлгунзорлар билан алманиб келади ва бошқалар.

Оролбўйи ва Орол денгизи бўйича прогнозлар ишлаб чиқилган. Уларнинг баъзилари нашр этилган [20-23] (17, 18-расм).

Ййловларнинг хозирги аҳоли умуман талабга жавоб беради, лесин жойларда ййловларни бўзилиши муносабати билан маҳсулдорлик камайиб бормоқда. Қизилқум, Қарши даштида техноген омиллар таъсирида ййлов деградацияси жиддий. Барханлар майдони қумли чўлларда 1 миллион гектарни ташкил қилади. Воҳалар билан туташган жойларда аҳоли оғир. Бўталарни ёқити сифатида ёқилиши туфайли қум ҳаракатлари қучаймоқда. Бу ҳол мол боқишни илмий асосланган усулларда ташкил қилинмаганлиги ҳам фавқ таъсир этмоқда.

Ййлов комплексларининг инсон таъсирида ўзгаришининг прогнозини ишлаб чиқишда аввалги йиллардаги аҳоли, хозирги ҳақиқий аҳоли атрофида чучур ўрганилиб чиқилгандан сўнг,

истикболда қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги тўғрисида прогнозлаштириш мумкин бўлади. Бунда, албатта қорақўл кўйларини гектар бошита зичлиги, озука бирлиги, яйловларни маҳсулдорлиги, қумларни ихотазорлар билан таъминланганлиги, техноген омилларнинг фаоллиги, турли муҳандисли тадбирларни амалга ошириш тўғрисида маълумотга эга бўлиш лозим. Яйловларни сув билан таъминланганлиги даражаси, нчимлик сув масаласи, уларни ифлосланганлик даражаси диққат эътиборда бўлиши керак.



Устюрт платосининг ҳозирги ландшафтлари (асосан неоген ёшидаги чўқилан чинлар: оҳактош, мергел, гил, қумтошдан тузилган структурал-динудацион плато):

1. Эрозия-дефляцияли, ботикли, туён яланг тузлар билан, баъзан, шўр ёки, тиник шўрхоклар билан банд.
2. Ботиклар туён: а: турли шўрхоклар билан банд, уларда сийрак ҳолда сарсазан, шохилик, қорабўрок ва бир йиллик шўрлар тарқалган, б: жойларда қолдиқ шўрхоклар ва тақирли тупроқларда қорасаксовул юлгун билан бирта учрайди.
3. а, б, в. Ёси қиярок тўлқинсимон текисликларда майда шағалли юзатари бўз-кўнгир тупроқлари ва қамроқ тақир участкаларда буюргунзорлар, шўвоқзорлар, йирик қир ва қорасаксовуллар, тетрлар билан ўзаро алмашиб кетади.
4. Қия, ёси қиярок ва қиярок текисликлар ҳамда қирли ёнбатларнинг бўз-кўнгир тупроқларида буюргунзорлар, шўвоқзорлар, боғич ва қир саксовул кўнгилган ҳолда ўзаро алмашиб кетади. Ўйланган ва қуритган ўзанларда бугазорлар ва тақирлар учрайди.

Ландшафтларни истикболда ўзгариши:

1. Дээрли ўзгаришлар содир бўлмайди. Борсаксимас ош тузи захираларидан фойдаланиш амалга оширилса, фақат олинган жойларда табиий шароитларнинг ўртача ўзгариши ноз беради.
2. а, б. Автомобиллар ҳаракати кучайиши қўлмайди, бинобарин ландшафтларнинг ўзгариши кучсиз даражада содир бўлади.
3. Автомобиллар ҳаракати кучайиши, жойларда туринча содир бўлиши қўлмайди.
3. а. Ҳаракатнинг йилдан-йилга кучайиши, янги дага йўлларининг вужудга келиши ноз беради. Тупроқ ва ўсимлик қопламини йўлларда қамайиб боради. «Қал» ерлар майдони ортди боради, бинобарин ландшафтларнинг ўзгариши нисбатан кучлироқ тарзда ноз беради.
3. б. Ҳаракатни ўртача меъёрга содир бўлиши янги дага йўлларининг таркиб топишига қамроқ таъсир кўрсатади, тупроқ ва ўсимликлар майдонининг қамайиши ўртача даражада содир бўлади.
3. в. Автомобиллар ҳаракати ўртачадан пастроқ жадалликда содир бўлади, бинобарин янги дага йўлларининг очилиши сустроқ бўлади, табиий муҳитнинг ўзгариши кучсизроқ бўлиши тахмин қилинади.
4. Автомобиллар ҳаракати ўртача жадалликда ноз бериши қўлмайди, лекин геологик қилдирув ишлари кучайиши мумкин, умуман олганда янги дага йўлларининг очилиши ўртача меъёрдан юқори бўлмағлини қўлмайди, тупроқ ва ўсимлик қопламларининг ўзгариши ўртача даражада ноз беради.

17-расм. Қорақўлда (2025-2035 йилларгача) Устюрт платоси ландшафтларнинг инсон таъсирида ўзгаришининг прогноз


Ўзбекистон табиат комплексларининг инсон хўжалик фаолияти таъсирида узоқ келажакка
(2025-2035 й.) қадар ўзгаришини прогнози

№	Табиат комплекси	Таъсир этувчи омиллар			
		Мол боқиш	Дарахт ва буталарни киркиш	Техник эрозия: автомобил ва бошқа механизмлар ҳаракати	Мелиоратив тадбирларни амалга ошириш
1	Плато ва қолдик баландликларнинг бўз- қўнғир туپроқларида шувқоқ ва шўра мавжуд.		Кучли	Бетартиб ҳаракат кучли	Ҳозиргача амалга оширилмаган
2	Ботиқлардаги шўрхоклар галафитлар, баъзан шўр.	Кучсиз	Жойларда кучли	Камроқ	
3	Қумли текисликларда псаммафитлар тарқалган.	Борган сари кучаяди	Қиркишни камайтириш мумкин, лекин узоқ йилларда кучаяди	Янги маъдан конларини кидириш ва ишга солиш жараёнида кучаяди	Суръат ниҳоятда паст
4	Дельталарнинг тақирли туپроқларида ва тақирларида бойлиқли қорасаксовуллар мавжуд.	Кучсиз	Жойларда кучли	Жойларда кучаяди	

150

5	Денгиз текисликларидаги қум ва шўрхокларда псаммафитлар, ксерофитлар ва галофитлар тарқалган; жойларда ўсимлик йўқ.			Умуман кам, жойларда кучли	Қумлик ва қолдик шўрхокларда ихотазорлар вужудга келтирилмоқда
6	Паст тоғларда бўз-қўнғир туپроқларда шувқорлар тарқалган.	Кучсиз		Келажакда ҳаракат кучаяди	
7	Тоғолди пролювиал текисликлардаги бўз-қўнғир туپроқларда шўрли шувқорлар тарқалган.	Кучли		Маълум йўллар бўйича келажакда кучаяди	Ниҳоятда кам
8	Дельталарда ўтлоқ туپроқларда қамишзорлар, қолдик шўрхокларда турли ўтли юлғунзорлар, тақирларда қора саксовул мавжуд.	Кучли	Камайтириш мумкин	Жойларда кучаяди	Ниҳоятда кам
9	Дельталарнинг суғориладиган ўтлоқ туپроқлари экинзорлар билан банд.				Ерларни тубдан яхшилайдиган тадбирлар қўлланилмаяпти, зовур тармоқларининг самараси паст, тўлиб қолган. Қорақалпоғистонда зичлиги талабга жавоб бермайди
10	Террасаларнинг суғориладиган ўтлоқ, бўз-ўтлоқ, бўз туپроқлари экинзорлар билан банд.				Ерларни тубдан яхшилайдиган тадбирлар қўлланилмаяпти, мавжуд зовурлар тўлиб қолган, тик зовурларнинг қўни ишламайди

11	Тоғолди, адир ва паст тоғлардаги бўз тупроқларда турли ўтли дашт мавжуд.	Кучли	Жойларда кучли	Бетартиб ҳаракат кучли	Маълум жойларда кичик ҳажмда мавжуд эрозияга қарши чоралар микёси талабга жавоб бермайди
12	Паст ва ўртача баландликдаги тоғларда турли ўтли бугдойиклар, бўз, арчазорлар - жигарранг тупроқларда ўсади.	Кучли	Кучли	Тартибли	Ниҳоятда паст, эрозия, сурилма, селга қарши дарахтзорлар, ўрмонзорлар, вужудга келтириш микёси талабга мутлақо жавоб бермайди
13	Баланд тоғлар ён бағрларидаги оч кўнгир тупроқларда ксерофитлар, шашир ва такасағиз билан алмашиб келади.	Кучсиз			Маълум жойларда махсус тадбирлар амалга оширилган
14	Ташлама сув ҳавзалари, кўллар атрофлари камишзор, шўрхоқлар билан банд.	Кучсиз	Ўртача	Бетартиб ҳаракат кучли	Амалга оширилмаган



18-расм. Истикболда Жанубий Оролбўйида табиий комплексларнинг ўзгариши

- а - Орол дентизининг қуриган қисми.
б - Шамоқ йўналиши ва қумларни чиқиш ўчоқлари.
в - Туз тўпланиш ареалларидан тузларнинг чиқиш йўналишлари.
г - Жигирбас кўрфазининг қуриган қисмидаги кўл-боткок комплекси.
Протозлаштирилган табиий комплекслар:
д - шамоқ жарёсинга берилган.
е - Эллиовил.
ж - Ярим гидроморф.
з - Гидроморф. Г рунт сувлари юзасини режими.
и - Кўтариллиш.
к - Барқарорлиш.
л - Пасайиш.
м - Хозирги суторилган ерлар.

Прогнозни амалга оширишнинг геоботаник индикаторлари, геоморфологик, картографик, аэрокосмик, йиловларни талқик қилувчи бошқа усуллардан фойдаланиш жоиз. Прогноз харитасини асосини ландшафт тури ташқил қилиш мақсадга мувофиқ. Унга маҳсулдорлик, бузилиш индекси, даражаси, ййлов тури ва бошқа кўрсаткичлар туширилади. Бу борада ўсимликларни табиий ва сунъий сукутсисияси муҳим касб этади. Сукутсисия – ўсимликларни эволюцияси ёки инсон таъсирида бир турни бошқа тур билан алмашиниши тушунилади. У бир неча босқични ўз ичига олади.

Хулоса

Табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари ишлаб чиқариш қушларини тараккий қилиши туфайли борган сари жиддийлашиб бормоқда. Ўзаро таъсирнинг қулайлиги натижасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг миқёси маконда вақт мобайнида ўсиб бормоқда. Жойларда танг ва ҳалокатли экологик вазиятлар кенг миқёсда шаклланимоқда. Инсоннинг табиатга таъсири борган сари ортиб бормоқда, шу билан бирга инсон борган сари табиатга қарам бўлиб бормоқда.

Табиий комплекс ва унинг қисмларида экологик вазият, мувозанат, барқарорлик, ресурс, тирик ва нотирик табиат ўртасидаги ўзаро муносабат ва унинг ўзгариш динамикаси, экологик омилларнинг инсон ҳўжалик фаолияти таъсирида ўзгариши ва бошқаларнинг тадрижий ҳолатини ўрганиш табиат билан жамият ўртасида муносабатнинг кескинлашган бир пайтда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Барқарор иқтисодий-экологик тараккийиёт шундай тамойилга асосланилади, бунда аввало ҳудуднинг экологик аҳволи соғлом бўлиши табиий ресурслар ҳолати (сифати, микдорий кўрсаткичлари ва бошқ.) динамика ва ривожланиш босқичлари амалий фойдаланишга тўлиқ жавоб бериши керак. Бошқача айтганда, табиий муҳит бойликлари ва экологик вазият қулай аҳвол (ҳолат) да бўлиши иқтисодий тараккийиётни ҳам бир маромда бўлишига таъсир этади. Иқтисодий ривожланиш табиий ва экологик ҳолатга жуда ҳам боғлиқ, умумий тараккийиёт икки томоннинг қулайлик негизида тарқиб топади. Шунда табиий муҳит ва экологик вазият устувор аҳамиятга эга, яъни улар нетиз вазифасини ўтайди.

Тавсиялар:

1. Санот, транспорт ва кишлоқ ҳўжаллиги ишлаб чиқаришнинг шундай ташқил этиш кераки, бунда атроф муҳитга зарар етмасин, кам чиқиндилли ва берк (чиқиндилли) технологияни қўллаш, чиқиндилларни самарали тутиб қоладиган замонавий мослама ва жиҳозларни ўрнатилиш, ишлаб чиқаришнинг мунтазам техника жиҳатдан такомиллаштириб бориш шу қўлнинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.
2. Табиий комплексларнинг табиий экологик мувозанатини мунтазам сақлаш, уларни бузилишига йўл қўймаслик, бунинг учун компонентлар ва комплекслар орасида ўзаро алоқа, боғлиқлик ҳамда ҳамжиҳатлиқни тўғри йўлга қўйиш, аслида бу ҳолда ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида эришилади.
3. Табиатдан фойдаланишда аввалдан анъанавий бўлиб келадиган самарадор усуллардан кенг фойдаланиш, мавжуд амалда қўлланиладиган усулларни мунтазам такомиллаштириб бориш, бойликларни ҳўжалик муомаласига киритишда экологик-географик асосларга амал қилиш мўлжалланган самарани беради.
4. Табиатдан фойдаланишда тизимли таҳлил, мажмуали, геоэкологик, экологик ёндашуларга амал қилиш расмий (меъёр) га яраша ресурсларни ҳўжалик муомаласига киритишга имкон беради.
5. Табиий бойликларни тежаш мақсадида иккитамчи ресурслардан максимал фойдаланиш, ҳўсузан метадил, қотоз, латта-путта, шиша илпш, пластмасса, резина қабиларни йиғиш ва маҳсул қорхоналарда қайта ишлаш ҳамма жиҳатдан ҳам фойдали ҳамда бу ишни орқага сурмаслик керак.
6. Табиатдан фойдаланиш жараёнида тарқиб топадиган табиий ва антропоген номатлуб ҳолисаларни мунтазам бошқариш, уларни ривожланиш ареалларини кенгайтиришга йўл қўймаслик, доимо инсон назоратида бўлишини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа.
7. Табиат ресурсларидан фойдаланиш чотида ҳудуднинг барқарор иқтисодий-экологик тараккийиётни қўзғатган ҳолда узок муддатли экологик стратегия ва ўзгарувчан тактикани устулик билиш амалга ошириш ва табиат билан жамият муносабатларини оптималлаштириш йўналишида табиат муҳофазаси вазифаларини бетиҳтов бажариб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент, Узбекистан, 1997.
2. Абдуллаев О. Табиати муҳофаза қилишга барча масъулдир. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг ҳудудий жиҳатлари. НамДУ: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2014.
3. Абдуганиев О. ва бошқ. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг ҳудудий жиҳатлари. НамДУ: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2014.
4. Бабушкин Л.И., Котай Н.А. Физико-географическое районирование УзР // Научн. тр. ТашГУ, вып. 231. Ташкент, 1964.
5. Берлинг А.М. и др. Картографический мониторинг // Вестник МГУ, сер. геогр., 1982, №6.
6. Боймирзаев К.М. ва бошқ. Фарғона водийси воҳаларининг шаклланиш жараёнига ирригация тизимларини таъсири. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг ҳудудий жиҳатлари. НамДУ: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2014.
7. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг ҳудудий жиҳатлари. НамДУ: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2014. 198 б.
8. Заславский М.Н. Эрозия почв. М.: Мысль, 1979.
9. Звонкова Т.В. Прикладная геоморфология. М.: Высшая школа, 1970.
10. Звонкова Т.В. Методы географического прогноза изменений природной среды // Географические проблемы на обкръжавщата среда. София, 1975.
11. Звонкова Т.В. Потенциальная естественная устойчивость природной среды и комплексов // Географическое обоснование экологических экспертиз. М.: Изд. МГУ, 1985.
12. Исаченко А.Г. Методы прикладных ландшафтных исследований. Л.: Наука, 1980.
13. Клексеев Н.А. Стихийные явления в природе. М. «Мысль», 1988.
14. Махсудов Х.М. Тушроқ ювилишини олдини олиш масалалари. Экологик хабарнома. №6. Тошкент, 1989.
15. Толипов С.М. Агротехнические и химические методы борьбы с ветровой эрозией на хлопковых полях // Борьба с эрозией почв в хлопководящих районах. Ташкент, 1994.
16. Низов Р.А. ва бошқ., Экзогенные процессы и обоснование защиты горных территорий Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1996.
17. Отаёнов Ш.Э. ва бошқ. Экотуризми ривожлантиришда табиати алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ўрни. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг ҳудудий жиҳатлари. НамДУ: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2014.
18. Перевозчиков А.М. Понсковая и инженерная геоморфология. Киев: Вища школа, 1995. 178 б.
19. Пирназаров Р. Ерларни нефт маҳсулотлари билан инфосланиш масалалари. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг ҳудудий жиҳатлари. НамДУ: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2014.
20. Рафиков А.А., Тетюхин Г.Ф. Снижение уровня Аральского моря и изменения природных условий низовьев Амударьи. Ташкент: Фан, 1981.
21. Рафиков А.А. Оценка природно-мелиоративных условий земель Южного Приаралья. Ташкент: Фан, 1984.
22. Рафиков А.А. Умумэкологик карталаштириш: назария ва амалиёт муаммолари. Ташкент: Фан, 2001.
23. Рафиков А.А. Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асослари. Экологик хабарнома. 2001. №4. Тошкент.
24. Султонов Ю., Махсудов А., Ходиков Р. Суғориладиган минтақада антропоген омил таъсирида ландшафтларнинг ўзгариши ва унинг экологик оқибатлари. Фан. Тошкент, 1983.
25. Чамбарисов Э.И. Мелиорацияда сув ва туз баланси. Экологик хабарнома. №5. Тошкент, 1996.

МУНДARIЖА

Кириш

I. ТАБИИЙ ВА ИШЛАБ ЧИКАРИШ КОМПЛЕКСЛАРИНИ ХАМДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ХАРИТАЛАР АСОСИДА ТАДЖИКОТ КИЛИШ

- 1.1. Хариташунослик ва унинг вазифалари 5
- 1.2. Табиий комплекс ва жараёнларни хариталаштириш ҳамда улардан фойдаланиш 8
- 1.3. Кинолда олинган суратлар асосида геоэкологик хариталар тузиш (аэрокинолги мониторинг) 13
- 1.4. Ишлаб чиқариш комплексларини хариталаштириш: аҳоли географиясини харита асосида ўрганиш 17
- 1.5. Географик атлас ва хариталар иқтисодиёт ҳўжалиги хизматида 18

II. УМУМЭКОЛОГИК ХАРИТАЛАШТИРИШ

- 2.1. Умумэкологик хариталарни тузишнинг назарий ва амалий масалалари 21
- 2.2. «Табиатдан фойдаланиш харитаси» ни тузишнинг илмий тамойиллари ва усулби 26

III. МЕЛИОРАЦИЯНИНГ КОНСТРУКТИВ – ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

- 3.1. Мелиорациянинг тараккиёт ва мелиоратив – географик қарашларни вужудга келиши 36
- 3.2. Мелиорациянинг самарадорлигини оширишнинг табиий географик асослари 45
- 3.3. Мелиорациянинг ландшафт асослари 45
- 3.4. Мелиоратив-географик таджикотлар натижаларини мелиорацияда қўлланилиши 46
- 3.5. Ландшафт ва мелиоратив харита ва унинг аҳамияти 48
- 3.6. Воҳаларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхши-лашнинг мелиоратив-географик асослари 50
- 3.7. Воҳаларнинг литологик-геоморфологик тузилишини ўзтиборга олиш 50
- 3.8. Сув эрозияси ва дефляцияни олдини олиш 53
- 3.9. Воҳаларнинг ландшафт хусусиятларини ҳисобга олиш 55
- 3.10. Чўл яйловларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш 55
- 3.11. Дефляциянинг оқибатлари 56

58

- 3.12. Дефляцияни олдини олиш 58
- 3.13. Тоғ этаклари ва ёнбағирларида яйловлар ҳамда баҳорикор ерларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг мелиоратив-географик асослари 61

- 3.14. Эрозияни олдини олиш 61

- 3.15. Ўрмонзорларнинг майдонини кенгайтириш 64

- 3.16. Баҳорикор ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш 66

- 3.17. Тоғ ёнбағирларида фалокатли табиий ҳодисаларни олдини олиш чора-тадбирлари 66

- 3.18. Ҳалокатли табиий ҳодисаларни вужудга келиши сабаблари 67

- 3.19. Фалокатли табиий ҳодисаларни олдини олиш чора-тадбирлари 71

IV. КОНСТРУКТИВ-ГЕОГРАФИК ТАДЖИКОТ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

- 4.1. Конструктив-табиий географик таджикот усуллари 74
- 4.2. Ҳудудий-дифференциал меъёрларни турли фалокат соҳалари учун ишлаб чиқиш 78

- 4.3. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуали схемаларини тайёрлаш, янги кўрикхоналар ва миллий боғларни ташкил қилишнинг асосларида қатнашиш 81

- 4.4. Табиий ресурсларни инвентарлаш 83

- 4.5. Табиий ресурс ва шароитларни баҳолаш 85

- 4.6. Лойиҳаларни географик экспертизадан ўтказиш 86

- 4.7. Географик башоратлаштириш ва башорат 86

- 4.8. Географик объектларни паспортини тузиш 87

- 4.9. Район планировкаси 88

- 4.10. Район планировкасининг табиий географик ва экологик асослари 89

V. НАМАНГАН ВИЛОВТИ ТАБИАТИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – БАҲАРГОР ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НЕГИЗИ

- 5.1. Табиий муҳит-экологик вазият-иқтисодиётнинг бир-бирига боғлиқлиги 91

- 5.2. Табиат-ҳўжалик-аҳоли тизими ресурсларидан фойдаланишнинг асоси 93

- 5.3. Табиат комплексларининг структурал-динамиқ ҳолати ва жамият ишлаб чиқариши 94